

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
УМУМИЙ ТАРИХ КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳуқуқида

НИШОНОВА ГУЛЖАМОЛ

II ЖАҲОН УРУШИ АРАФАСИДАГИ
ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР

5220200 – “Тарих” (минтақалар ва мамлакатлар бўйича) таълим
йўналиши бўйича бакалавр академик даражасини олиш учун ёзилган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ

иш раҳбари: катта ўқитувчи Б. Абдуллаев

Андижон – 2013 йил

М У Н Д А Р И Ж А

1. Кириш	3
2. 1922-1929 йилларда халқаро муносабатлар	8
3. Жаҳон иқтисодий кризиси йилларида халқаро муносабатлар	24
4. Иккинчи жаҳон уруши арафасида халқаро муносабатлар	41
5. Хулоса	69
6. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	73
7. Иловалар	75

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистан Республикаси истиқлолга эришиши натижасида жамиятимизнинг барча соҳаларда тубдан ўзгаришлар амалга оширилмоқди ва оширилмоқда. Хусусан, Ватанимиз тарихида миллий ватанпарварлик нуктаи назаридан қизиқиш ортмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Тарихга мурожаат қилар эканмиз, бу халқ хотираси эканлигини назарда тутишимиз керак. Хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди»¹, - деб таъкидлаган. Собиқ шўро салтанати йилларида энг қадимги даврлардан то XX аср охирига қадар бўлган тарихимиз сохталаштирилди. Эндиликда, яъни истиқлол йилларида тарихшунослигимизда бир қатор амалий ишлар амалга оширилди.

Ҳозирда тарихимизнинг мустамлакачилик даврларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Иккинчи жаҳон уруши даврларини ўрганиш ҳам илмий ҳамда амалий аҳамият касб этади.

II жаҳон уруши инсоният тарихида энг йирик ва халокатли уруши ҳисобланади. Ушбу урушда 61 давлат у ёки бу даражада иштирок этди. Бу ер юзи аҳолисининг 80% дан зиёди демакдир. Жанговар ҳаракатлар 40 мамлакат ҳудудида бўлиб ўтди. Уруш йиллари 50 млн киши ҳалок бўлди, 12 млн дан ортиқ одам ўлим лагерларида ўлдирилди, 95 млн киши ногирон бўлиб қолди. Урушда иштирок этган давлатларнинг ҳарбий ҳаракатлари 1.117 млрд долларни ташкил этди.

II жаҳон уруши, биринчи жаҳон уруши сингари дунёни таъсир доираларига бўлиб олиш учун курашдан келиб чиқди. Буюк Британия Франция, АҚШ каби биринчи жаҳон уруши ғолиблари бўлган давлатлар ва биринчи жаҳон уруши натижаларига кўра ўзларини камситилган, манфаатларини поймол қилинган деб ҳисоблаган Германия, Италия,

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёти йўли. – Т.: Ўзбекистан, 1992. – Б.71.

Япониялар ўртасидаги зиддиятлар бу урушни келтириб чиқарди. XX асрнинг 30-йилларида Германия, Италия ва Япония иқтисодий жиҳатдан улкан ютуқларга эришиб, дунёни бўлиб олишга даъво қилиш учун шарт-шароитлар етилди, деб ҳисоблашди. Германия жаҳонга ҳукмронлик қилиш учун даъво қилди. Италия Болқон ярим ороли, Шарқий Африка, Яқин ва Ўрта Шарқни бўйсундиришга интилди, Япония Тинч океанида, Осиёда то Урал тоғигача бўлган ҳудудда ҳукмронлик қилишни режалаштирди.

"Иккинчи жаҳон урушига қандай қаралмасин, бу уруш қайси ғоя остида ва кимнинг изми билан олиб борилган бўлмасин, - деб таъкидлайди Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов, - ўз Ватани, эл-юртининг ёруғ келажаги, беғубор осмони учун жанг майдонларида ҳалок бўлганларни, ўз умрларини бевақт ҳазон қилган инсонларни доимо ёдда сақлаймиз".¹

Ўзликни англаш - энг аввало, ўтмишни ўрганишда, тарихга эҳтиёж сезишдан бошланади. Дарҳақиқат ўзини англаётган, ўзини тушунаётган ҳар бир инсон ўз аجدодлари кимлар бўлгани, ота-боболари нима билан шуғулланишгани ва қандай ҳаёт кечиришганини билиб олишга интилади.

Президентимиз таъкидлаганидек, "... яқин вақтларгача ижтимоий фанлар аслида сиёсат манфаатларига хизмат қилар эди. Бу эса илмий тадқиқотлар мавзусини белгилашга, бу тадқиқотларнинг доираси, характери ва йўналишларига, жамиятшунос олимларнинг дунёқараши ва методология йўл-йўриқларига ўз тамғасини босди."²

Биз ўрганишни ўз олдимизга мақсад қилиб олган мавзу, яъни "Иккинчи жаҳон уруши арафасида халқаро муносабатлар" мавзусини тадқиқ қилиш орқали жаҳон уруши арафасида дунёдаги халқаро вазият қай тарзда ўзгарди, ўзаро кучлар нисбати нима сабабдан ўзгарди, нима сабабдан жаҳон уруши келиб чиқди, урушнинг бошланишига асосан қайси давлатлар ва шахслар сабабчи бўлганлигини далил-исботлар

¹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. - Т.: Ўзбекистон, 1996. - Б.81.

² Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.: Ўзбекистон. 2011. - 88 бет.

орқали баён қилиб, мавзунинг долзарблигини очиб бериш мумкин.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Биз ўрганишни ўз олдимизга мақсад қилиб олган мавзу, яъни иккинчи жаҳон уруши арафасидаги халқаро муносабатлар тарихига кўплаб тарихчилар томонидан ҳам жуда кўплаб мурожаат қилинганлиги маълум.¹ Масалан, тарихчи-олимларнинг айнан шу давр тарихи билан шуғулланганлигини мен интернет тармоғидаги мавзуга доир сайтлардан билиб олдим ва битирув малакавий ишимни тайёрлаш жараёнида ўша сайтлардан кенг фойдаланишга ҳаракат қилдим.

Ишнинг мақсад ва вазифалари. Ҳар бир инсон бирон бир ишга киришса, инсон ўша олиб борётган ишига нисбатан ўз олдига мақсад ва вазифалар қўйиб олади. Жумладан, мени халқаро муносабатлар тарихига қизиқишим туфайли иккинчи жаҳон уруши бошланиши тарихини ва ўша даврдаги давлатларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий соҳадаги олиб борган ишларини имкон қадар ўрганишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим.

Ишнинг хронологияси. Битирув малакавий ишининг хронологик даври 1922-1939 йиллардан иборатдир. Бунга сабаб айнан 1922 йилдан АҚШда, Германия, Франция ва бошқа капиталистик мамлакатларда 1924 йилдан қисман стабиллашув бошланди. Иқтисодий жиҳатдан олганда капиталистик стабиллашув капиталистик мамлакатлар экономикасининг метрополия ва мустамлака халқларини талаш ҳисобига аста-секин юксалиш ва мустаҳкамланиш даври бўлди. Халқаро муносабатлардаги кескинлик бирмунча юмшади. Иккинчи жаҳон уруши арафасидаги йиллар

¹ Мальков В.Л. (Рузвельт Ф. Проблемы внутренней политики и дипломатии. М., 1988). Мухин А.И. (Австрия. М., 1979). Смирнов В.П. (Новейшая история Франции. М., 1979). Трухановский В.Г. (Уистон Черчилль. М., 1977). Уткин А.И. (Дипломатия Вудро Вильсона. М., 1989). Л.И.Гольман (История Ирландии. Отв. Ред. Л.И.Гольман. М., Наука, 1980). А.З.Манфред (История Франции. Под рук. А.З.Манфреда в 3-х томах. М., Наука, 1972-1973). Розалиев Ю.Н. Новая и новейшая история стран Азии и Африки. М., Наука, 1987.). Яковлев Н.Н.(Ф.Д.Рузвельт Человек и Политик. М. 2005). Язьков Е.Ф. (История стран Европы и Америки в новейшее время. 1918-1949 гг. М., 2000). Нуриддинов З.Р. (Ғарб мамлакатларининг энг янги тарихи (1917-1939). Т., 1963). Е. Жуков (Международные отношения на Дальнем Востоке (1870—1949). Изд. 2, испр. и доп. Под ред. проф. Е. Жукова. - М.: 1956).

империалистик зиддиятларнинг янада кескинлашиб кетган даври бўлди. Капиталистик мамлакатларда 1937 йилнинг иккинчи ярмидан бошланган янги иқтисодий кризис уруш йўли билан дунёни қайтадан бўлиб олиш мақсадида империалистлар ўртасида давом этаётган курашнинг янада кескинлашувига сабаб бўлди. Халқаро сиёсий кризис юз берди. Урушдан кейинги сулҳ шартномалари системаси бутунлай барбод бўлди. 1939 йилда иккинчи жаҳон уруши бошланиб кетди.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Тадқиқотнинг назарий асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари ташкил қилади. Мазкур тадқиқот иши 1922 йилдан 1939 йилгача бўлган даврни ўз ичига олганлиги сабабли асосий эътибор ўша даврда ҳамда кейинги йилларда нашрдан чиққан адабиётлар, мақолалар, илмий ишлар ва шу кабиларга қаратилган.¹

Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги. Биз ўрганишни ўз олдимишга мақсад қилиб олган мавзу, яъни “Иккинчи жаҳон уруши арафасида халқаро муносабатлар” мавзусига кўплаб тарихчилар томонидан жуда кўплаб мурожаат қилинганлиги маълум. Ушбу битирув малакавий ишимизни тайёрлаш жараёнида, биз кўпроқ манбаларга, хрестоматик асарларга ва Интернет сайтларидан олинган маълумотларга таянган ҳолда воқеа-ҳодисаларни қиёсий таҳлил асосида ёритишга ҳаракат қилдик.

Ишнинг амалий аҳамияти. Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти шундаки, жаҳон тарихидаги бу қисқа давр тарихи, ундаги рўй берган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар, турли хил назарияларнинг вужудга келишини, уларнинг сабаб ва моҳиятини чуқур

¹ Всемирная история в 12-ти томах. М., Политиздат. 1960., История новейшего времени стран Европы и Америки (1918-1945). Под ред. Проф. Е.Ф.Язькова, М., 1969., История стран Азии и Африки в новейшее время. М., Наука. 1976., Новейшая история стран зарубежного Востока. М., Восточная литература. 1957., Новейшая история стран зарубежной Азии и Африки. Л., Наука, 1983., История США в 4-х томах. М., Наука, 1980-1987., История Италии в 3-х томах. М., Наука, 1970-1971., История дипломатии в 5-ти томах. М., Наука, 1959-1060., Новейшая история Китая. 1917-1970 гг. М., Наука, 1972., Новейшая история Китая. 1928-1943 гг. М., Наука, 1984., История Китая с древнейших времен до наших дней. М., Наука, 1974., История национально-освободительной борьбы народов Африки в новейшее время. М., Наука. 1978.

ва ҳар томонлама ўрганиш орқали тарих янги-янги маълумотлар олиб келади. Битирув малакавий ишининг натижасига кўра, баён этилган фактик материаллар ва илмий хулосалардан Тарих ва ижтимоий фанлар факультети “Тарих” таълим йўналиши 4-курс талабалари учун ўтиладиган “Жаҳон тарихи (Энг янги тарих)” фанидан маъруза ва семинар машғулотларида, талабаларнинг мустақил ва курс ишларини тайёрлашларида, тўғарак ишларини олиб боришда манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Битирув малакавий ишининг тузилиши. Ушбу битирув малакавий иши ташкилий тузилиш жиҳатидан кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Битирув малакавий ишининг умумий хажми электрон вариантда иловалардан ташқари 74 бетни ташкил этади.

1. 1922-1929 йилларда халқаро муносабатлар

АҚШда 1922 йилдан, Германия, Франция ва бошқа капиталистик мамлакатларда 1924 йилдан қисман стабиллашув бошланди. Иқтисодий жиҳатдан олганда капиталистик стабиллашув капиталистик мамлакатлар экономикасининг метрополия ва мустамлака халқларини талаш ҳисобига аста-секин юксалиш ва мустаҳкамланиш даври бўлди. Сиёсий жиҳатдан эса капиталистик стабиллашув революцион тўлқиннинг вақтинча пасайиши ва буржуазия позициясининг вақтинча, нисбий мустаҳкамланиш даври бўлди. Кўпгина капиталистик давлатларда мамлакатни бошқаришда яна либераллик методларидан фойдаланила бошлади. Лекин айрим мамлакатларда, айниқса АҚШда буржуа демократияси тобора чекланиб, реакция кучайиб борди. Халқаро муносабатлардаги кескинлик бирмунча юмшади.

Капиталистик стабиллашув вақтинча, мустаҳкам бўлмаган, беқарор ва жузъий стабиллашув эди. Бу стабиллашув капиталистик система зиддиятларини кескинлаштириб, навбатдаги чуқур иқтисодий кризисни ва, ниҳоят, урушни яқинлаштирди. Вақтинча стабиллашув капитализмнинг умумий кризиси билан боғлиқ эди.

Стабиллашув давридаги халқаро муносабатларнинг энг асосий хусусиятлари шуки, бир томондан, СССРнинг халқаро позициялари мустаҳкамланиб борди, иккинчи томондан, Версаль-Вашингтон системаси аста-секин заифлашди. Капиталистик мамлакатларда синфий зиддиятлар кескинлашди. Мустамлака ва қарам мамлакатларда, айниқса Хитойда миллий озодлик ҳаракатлари ўсди.

Капитализм тараққиётида нотекислик кучайди. Франция 1924 йилдаёқ, Германия 1927 йилда саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришда урушдан олдинги даражага етди. Англия саноат маҳсулоти эса, илгариги даражага тўлиқ ета олмади. АҚШ барча капиталистик мамлакатларга нисбатан етакчи ўринни

эгаллади, унинг экономикаси ривожланиб борди. Япония Европа капиталистик мамлакатларидан ўтиб кетди. Ташқи бозорлар ва таъсир доиралари масаласида капиталистик мамлакатлар ўртасидаги зиддиятлар кескинлашди. Биринчи жаҳон урушидан кейин мустамлакаларнинг қайта тақсимланганлиги янги шароитга, капиталистик мамлакатларнинг нотекис ривожланаётган вазиятига асло мувофиқ бўлмай қолди.

Жанубий Америка, Хитой, Қанада, Австралия бозорларида АҚШ билан Англия, Тинч океанда АҚШ билан Япония ўртасидаги зиддиятлар кучайиб кетди. Германия монополистлари эса, Европа бозорлари масаласида Англия, Франция, АҚШ ва бошқа мамлакат империалистлари билан тўқнашмоқда эди.¹

Шундай бир вазиятда Совет Иттифоқи халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантиришда, социалистик индустриалаш соҳасида катта ютуқларни қўлга киритиб, мамлакатда социалистик стабиллашув тобора мустаҳкам қарор топмоқда эди. Совет Иттифоқи куч-қудратининг ўсиб бориши, СССРнинг бир қанча капиталистик давлатлар томонидан танилиши, капиталистик ва мустамлака мамлакатларда революцион ҳаракатнинг юксалиши натижасида капиталистик система билан социалистик система «кучларининг барабарлиги» вужудга келган бўлса ҳам, лекин империалистик давлатлар СССРга қарши, шунингдек бошқа революцион базаларга қарши курашни давом эттира берди.

Империалистик давлатларнинг антисовет интервенция ва блокада сиёсати ҳамда иғволари фош қилиб борилди ва барбод бўлди. СССР борган сари мустаҳкамланди. Совет Иттифоқининг халқаро обрў-эътибори ўсди, СССРни таниган мамлакатлар сони ортиб борди. 1924 йилгача Совет давлати билан Германия, Афғонистон, Эрон, Туркия, Эстония, Латвия, Литва, Польша, Финляндия ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилган эди. Мўғулистон халқ республикаси билан қардошларча алоқалар давом этмоқда

¹ Язьков Е.Ф. История стран Европы и Америки в новейшее время. 1918-1949 гг. - М., 2000. - С.75.

эди. 1924-1925 йиллардаёқ чет мамлакатлардан (Англия, Франция, Германия ва бошқа бир қатор мамлакатлардан) СССРга ишчи вакиллари келди. Совет республикасининг тарафдорлари кўпайиб борди. Шу билан бирга, кўпгина мамлакатларнинг меҳнаткашлар оммаси империалистик буржуазия сиёсатига қарши тобора кучлироқ қаршилик кўрсатиб борди. Ана шуларнинг ҳаммаси империалистларнинг сиёсий фаолиятида, хусусан ташқи сиёсатида катта қийинчиликлар туғдирди.

Империалистларнинг Совет Иттифоқини яккалаб қўйиш сиёсати тескари натижалар бераётганлиги, капитализмнинг умумий кризиси кучайиб бораётганлиги ва революцион ҳаракатнинг тез ўсаётганлиги учун дунёни очикдан-очик талаш хавфли бўлиб қолди. Буржуазиянинг очикдан-очик хужум сиёсатидан келишувчилик сиёсатига, ошкора империализмдан ёпиқ империализмга ўтишдан бошқа иложи қолмади.

Англия ва Франция каби мамлакатларда буржуа корчалонлари халқ оммасини алдаш, СССР билан дўстлик тарафдорларини ўз томонига оғдириб олиш мақсадида ўзларини «пацифистлар» ва СССРнинг «дўстлари» қилиб кўрсатишга уриндилар. Улар тинчлик ва СССР билан «дўстлик» сиёсати ниқоби остида халқ орасида обрў қозонишга, шу йўл билан капитализм тузумини сақлаб қолишга, ҳокимиятни ўз қўлларида тутиб қолишга зўр бериб уриндилар.

СССРнинг тобора кучайиши билан бирга, унинг жаҳон бозорида катта роль ўйнаши империалистик давлатларнинг диққатини ўзига жалб этди. Турли мамлакатлар халқ оммасининг СССР билан иқтисодий алоқа қилишдан манфаатдор бўлганлиги натижасида 1924 йил февраль - октябрь ойларида Англия, Италия, Норвегия, Австрия, Греция, Швеция, Хитой, Дания, Мексика, Хижоз ва Франция, 1925 йили Япония, Канада СССРни танидилар ва у билан дипломатик алоқа ўрнатдилар.¹

¹ История новейшего времени стран Европы и Америки (1918-1945). Под ред. Проф. Е.Ф.Язькова, - М., 1969. - С. 250.

Империалистик давлатлар (Англия, айниқса Франция ва уларни қўллаб-қувватлаган АҚШ) дипломатик муносабатлар ўрнатиш вақтида ҳам илгари чор Россиясида ўзларига қарашли бўлган мулкларининг қайтариб берилишига, эски қарзларнинг тўланишига, совет ташқи савдо монополиясининг бекор қилинишига эришмоқчи бўлдилар. Лекин бу беҳуда уринишлар натижа бермади. Япония антисовет интервенция вақтида босиб олинган Шимолий Сахалинни СССРга қайтариб беришга мажбур бўлди.

Йирик капиталистик мамлакатлардан АҚШгина Совет республикасига нисбатан ўтакетган душманлик позициясида туриб, 1933 йилгача СССР билан дипломатик алоқа ўрнатмади. АҚШ бошқа давлатларнинг, айниқса Хитойнинг СССР билан алоқа боғлашига зўр бериб тўсқинлик қилди. АҚШ турли мамлакатларда Совет Иттифоқига қарши ҳаракатларнинг таянчи бўлиб келди. Аммо бу антисовет сиёсатдан биринчи галда АҚШнинг ўзи зарар кўрди.

Империалистларнинг қаршилиқ кўрсатишларига қарамай, 1924 йил 31 майда СССР билан Хитой ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилди ва Совет-Хитой шартномаси тузилди. Бу Хитой тарихида биринчи марта тенг ҳуқуқлиқ ва тенг манфаатдорлик шартномаси эди. Совет ҳукумати чор ҳукуматининг Хитой билан тузган шартномаларини ва Хитойнинг чор ҳукумати фойдасига тўлаб келаётган контрибуциясини бекор қилди.

1925—1927 йилларда Совет Иттифоқи бир неча мамлакатлар билан ўзаро ҳужум қилишмаслик ва бетарафлик тўғрисида аҳдномалар тузди. 1925 йил декабрида СССР билан Туркия ўртасида дўстлик ва бетарафлик тўғрисида, 1926 йил апрелида СССР билан Германия ўртасида дўстлик ва бетарафлик тўғрисида, 1926 йил августида СССР билан Афғонистон ўртасида, 1926 йил сентябрида СССР билан Литва ўртасида бетарафлик ва ўзаро ҳужум қилишмаслик тўғрисида шартномалар тузилди.¹

Капиталистик мамлакатлар ўртасидаги зиддиятлар билан ва СССРга

¹ Язьков Е.Ф. История стран Европы и Америки в новейшее время. 1918-1949 гг. - М., 2000. - С.89.

қарши кураш билан боғлиқ бўлган асосий масалалардан бири - Германиядан олинадиган репарация тўловлари масаласи эди. Репарациянинг умумий суммаси 1921 йили 132 миллиард олтин марка қилиб белгиланган бўлса-да, лекин уни қандай ундириб олиш йўллари белгиланмаган эди ҳамда Европада гегемонлик масаласида Англия билан Франция ўртасидаги, жаҳон бозорлари масаласида Англия билан Америка ўртасидаги зиддиятларга репарация масаласидаги зиддият қўшилди. Бу давлатлар репарация масаласини ўз фойдаларига ҳал қилишга уринардилар. Умуман, пацифизм ниқоби остида халқаро зиддиятлар тобора кучайиб бормоқда эди. Германия бу зиддиятлардан фойдаланиб репарация тўламай қўйди. 1923 йил январь бошида Парижда чақирилган янги халқаро конференцияда Англия Германиянинг репарация тўловларини 4 йилга кечиктириш ва репарациянинг умумий суммасини камайтириб 50 миллиард марка миқдорида белгилашни («Бонар Лоу плани»ни) таклиф қилди. Франция бу таклифларни рад қилди ва ҳеч қандай битимга келинмади.

Франция бу масалада ўзбошимчалик билан ҳаракат қилди. Репарация комиссияси аъзолари кўпчилигининг розилиги билан 1923 йил 11 январда Францияда ва Бельгия кўшинлари Германиянинг Рур областини ишғол қилдилар. Натижада Франция билан Германия ўртасидаги зиддиятлар кескинлашиб кетди.¹

Совет ҳукумати герман халқининг манфаатларини ҳимоя қилиб, бу босқинчиликка жиддий норозилик билдирди. Европада гегемонлик позициясини эгаллаш учун Франция-Англия, Франция-АҚШ, Англия-АҚШ зиддиятлари ҳам кучайди. Франция ўз бошчилигида Франция-Германия кўмир-темир синдикати тузиш ёки Бавария ва Рейн бўйи ўлкаларидаги сепаратистик ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш йўли билан ҳам Германияда ўз позициясини мустаҳкамлашга уриниб кўрди.

Бироқ Германияда синфий курашнинг кескинлашуви ва революцион

¹ Смирнов В.П. Новейшая история Франции. - М., 1979. – С.78-79.

вазиятнинг етилиши халқаро империалистик буржуазияни кўрқитиб қўйди, чунки голибона революция империалистларнинг Германия ҳақидаги планларини чиппакка чиқарар эди. АҚШ ва Англия ҳукуматлари Франция-Германия жанжалига очикдан-очик аралашшига мажбур бўлдилар ва репарация ишини ўз қўлларига олдилар.

1923 йил ноябрида Америка империализмининг вакили - банкир Чарлз Дауэс бошчилигида репарация масаласида Экспертлар комитети тузилди. Комитет 1924 йил январидан - апрелгача ишлади. Янги репарацион план - «Дауэс плани» ишлаб чиқилди. Бу план 1924 йил июль - августда Лондон конференциясида маъқулланди ва Германия ҳукумати томонидан ҳам қабул қилинди. Франция ва Бельгия қўшинлари 1925 йил ёзида Рурдан олиб чиқиб кетилди.

Шундай қилиб, империалистик давлатлар Германия (репарация) масаласида вақтинча тил бириктириб олдилар. Дауэс планига мувофиқ, Германияга 1925 йилдан 1929 йилгача ҳар йили репарация тўловини 1 миллиард маркадан 2,5 миллиард маркагача ошира бориб, 1929 йилдан кейин ҳар йили 2,5 миллиард маркадан тўлаш мажбурияти юкланди. Дауэс плани немис халқини янада оғир аҳволга солган таловчилик плани эди. Дауэс плани Германия экономикасида айниқса Америка монополистлари ва банкирларининг ҳукмрон бўлишини таъминлашга, репарацияни ундириб олишга, СССРнинг индустриялаш планини барбод қилишга, СССРни империалистларнинг бозорига ва хом ашё манбаига айлантиришга, Германиянинг иқтисодий-ҳарбий қувватини тиклаб, уни СССРга қарши йўналтиришга қаратилган эди.¹

1924 йилги Лондон конференциясидан сўнг Европа сиёсатидаги гегемонлик Франциядан Англияга, амалда эса, Дауэс плани туфайли АҚШга ўтди. АҚШ дунёни молиявий томондан эксплуатация қилиш маркази бўлиб қолди. Германия 1924-1929 йилларда чет эллардан, асосан, АҚШ ва

¹ Нуриддинов З.Р. Ғарб мамлакатларининг энг янги тарихи (1917-1939). - Т., 1963. – Б.466.

Англиядан 21 миллиард маркадан ортиқ узоқ ва қисқа муддатли кредит олди. Америка монополияларининг вакили Жильберт Паркер репарация иши бўйича бош агент қилиб тайинланди. У амалда Германиянинг иқтисодий диктатори бўлиб қолди. Лекин Франция ўз позициясини бирданига бошқа давлатларга топшириб қўя қолмади. Шунингдек, Англия АҚШнинг ўсиб бораётган ролига бепарво қараб турмади, Франция-Англия, айниқса Америка-Англия зиддиятлари кескинлашиб бораверди. Шу билан бирга, СССРнинг мустақамланиб бориши, халқаро мавқеи ва таъсирининг кучайиши барча капиталистик мамлакатларни зўр ташвишга солмоқда эди.

1928 йилга келиб Германия иқтисодий жиҳатдан анча тикланиб, Версаль шартномаси ва Дауэс плани томонидан чекланганлигига эътироз билдирди. 1928 йил кузида Германия ҳукумати ғарбий давлатлар кўшинларининг Рейн зонасини эвакуация қилишини ва Дауэс планини қайта кўриб чиқишни талаб этди. АҚШ Германиянинг бу талабларини қўллаб-қувватлади. АҚШнинг ташаббуси билан америкалик банкир Оуэн Юнг бошчилгида АҚШ, Англия, Франция, Италия, Япония, Германия ва Бельгия молия экспертлари комитети 1929 йилда янги «Юнг плани»ни ишлаб чиқди. Бу план 1929 йил августида Гаагадаги халқаро конференцияда маъқулланди ва 1930 йил январидан иккинчи Гаага конференциясида тасдиқланди. Юнг плани ҳам Америка капиталининг Европага, шу жумладан Германияга кўпроқ киритилишига, Германияни СССРга қарши йўналтиришга қаратилган эди. Юнг планига мувофиқ, Германиянинг репарация тўлаш муддати 59 йил (1988 йилгача) узайтирилди, бу даврда 113,9 миллиард марка репарация тўлаш кераклиги кўрсатилди. Яқин 37 йил мобайнида репарация тўловининг йиллик миқдори 2 миллиард марка қилиб белгиланди. Энди Германия темир йўлларида келадиган фойдалар ва давлат бюджетининг даромад қисми репарация тўловларининг бирдан-бир манбаи деб ҳисобланди. Герман саноати репарация тўловларидан озод қилинди. Германия экономикаси устидан бўлган назорат АҚШнинг ташаббуси билан бутунлай бекор қилинди.

Шундай қилиб, Юнг плани Германияга анча енгиллик берди. Мамлакатда репарация пуллари йиғиш иши Германия ҳукуматининг ўзига топширилди. Йиғилган репарация суммасини ғолиб мамлакатлар ўртасида тақсимлаш учун Базелда халқаро ҳисоб-китоб банки ташкил қилинди, бунда АҚШ асосий роль ўйнади.¹

«Дауэс плани» ва «Юнг плани» СССРга қарши қаратилган планлар бўлиб, Германиянинг ҳарбий экономикасини тиклашда ва урушга тайёрланишда муҳим босқичлардан иборат эди.²

Империалистик давлатлар СССРга қарши блок тузишга ва шу билан ўз ўрталаридаги зиддиятларни юмшатишга, Германия масаласида мумкин қадар ҳар томонлама тил бириктиришга уриндилар. Шу мақсадда 1925 йил 5 октябрдан 16 октябргача Локарнода (Швейцария) Англия, Франция, Германия, Италия ва Бельгия вакиллари иштирокида халқаро конференция ўтказилди. Конференция охирида Чехословакия ва Польша вакиллари чақирилди. АҚШ конференцияда бевосита қатнашмаса-да, аммо унинг уюштирилишида ва қарорлар қабул қилинишида четдан туриб катта таъсир кўрсатди.

Локарно конференцияси Рейн гарантия ахдномасини қабул қилиш билан тугалланди. Ахдномада Германиянинг Версаль сулҳ шартномасида белгиланган ғарбий чегараларининг бузилмаслиги, Рейндаги демилитаризация зонаси режимини бундан кейин ҳам бузмаслик кўрсатилди. Гарантия ахдномасига мувофиқ, Англия билан Италия Франция ва Бельгияни Германия ҳужумидан, Германияни эса Франция ва Бельгия армияси ҳужумидан кўриқлайдиган бўлдилар.

Рейн ахдномасидан ташқари, арбитраж тўғрисида Франция-Германия, Германия-Бельгия, Германия-Польша, Германия-Чехословакия шартномалари тузилди. Лекин Германиянинг шарқий чегаралари масаласи

¹ История новейшего времени стран Европы и Америки (1918-1945). Под ред. Проф. Е.Ф.Язькова, - М., 1969. - С.325.

² Язьков Е.Ф. История стран Европы и Америки в новейшее время. 1918-1949 гг. - М., 2000. - С.125.

ҳал қилинмади. Локарнода қабул қилинган ҳужжатлар Шарқий Европа халқларига, аввало СССРга қарши қаратилган эди. Бу ҳужжатларда келгусида Германияни СССР билан тўқнаштириш мўлжалланган эди,

Социал-демократия матбуот органлари Локарно конференциясининг ишини мақтади. ВКП(б)нинг XIV съезди Локарно конференцияси ва унинг ҳужжатларига қарши чиқди. Совет давлати антисовет аҳдномаларга қарши чоралар кўрди. 1925 йил 12 октябрда Германия билан СССР ўртасида савдо шартномаси имзоланди. Совет ҳукумати тинчлик ва дўстликка қаратилган ташқи сиёсатни ҳеч оғишмай давом эттирди ҳамда, юқорида айтилганидек, бир қатор мамлакатлар билан дўстлик ва бетарафлик тўғрисида битимлар тузди. Халқлар оммасини чалғитиш ва зўр бериб қуролланиш сиёсатини ниқоблаш мақсадида бир қанча капиталистик давлатлар 1925 йил 12 декабрда Миллатлар иттифоқи Советининг сессиясида қуролсизланиш бўйича тайёргарлик комиссияси туздилар. Комиссия ишига Миллатлар иттифоқининг аъзоси бўлмаган давлатлардан АҚШ, сўнгра СССР таклиф қилинди. СССР бу комиссиянинг дастлабки ишига таклиф қилинмаган эди, Совет ҳукумати СССРнинг, шунингдек Хитой, Туркия ва Афғонистоннинг комиссия ишига таклиф қилинмаганидан қатъий норози бўлиб чиқди. Комиссия ташкилотчилари СССРнинг халқаро роли ошиб бораётганлиги туфайли уни комиссия ишига кейинча таклиф қилишга мажбур бўлдилар. Совет делегацияси бу комиссиянинг IV сессиясидан бошлаб қатнашди. Илгариги уч сессияда конкрет фикр алмашинмади, АҚШ, Англия ва бошқа капиталистик давлатлар қуролсизланишни истамас эдилар. Улар тўлиқ қуролланиб олиш ҳақида сафсата сотдилар, бунинг учун турли баҳоналар ахтардилар.

1927 йил 30 ноябрда Совет делегацияси барча давлатларнинг ялпи ва батамом қуролсизланишлари лозимлиги тўғрисида таклиф киритди. Бу таклифга мувофиқ, барча ҳарбий кучлар, ҳарбий министрликлар, ҳарбий харажатлар тугатилиши, урушни пропаганда қилишни тақиқловчи қонун

қабул қилиниши лозим эди. СССР химия ва бактериология урушини тақиқловчи Женева аҳдномасига қўшилганлигини билдирди. Совет ҳукумати 1928 йил баҳорида қуролсизланиш масаласида халқаро конференция чақиришни таклиф қилди.

Империалистлар СССРнинг бу таклифларини қабул қилмадилар. Улар Совет Иттифоқининг конкрет тадбирларини турли йўллар билан қоралашга уриндилар.

СССРнинг батамом қуролсизланиш таклифи рад қилингандан сўнг, Совет ҳукумати қисман қуролсизланиш таклифини киритди, Империалистлар қуролсизланиш ишини саботаж қилиб, бу таклифни ҳам рад этдилар. СССР тинчлик ғоясини, қуролсизланиш ғоясини пропаганда қилишда катта роль ўйнади. Совет Иттифоқининг халқаро обрўи янада ошди.

Империалистик давлатлар вакилларининг айби билан Тайёргарлик комиссияси низоларни шарҳлаб берувчи декларация ва умумий характердаги конвенция лойиҳасини қабул қилди, холос.

1927 йил апрелида Франция ташқи ишлар министри Бриан Франциянинг позициясини мустаҳкамлаш ва АҚШни ўзига мойил қилиш учун АҚШ давлат секретари Келлогга мурожаат қилиб, ўзаро уруш қилмаслик тўғрисида шартнома тузишни таклиф этди. Келлог Брианнинг ташаббусидан фойдаланиб, бундай шартномага Англия ва бошқа капиталистик давлатларни ҳам жалб этишни таклиф қилди. 1928 йил 27 августда Парижда бир қатор капиталистик давлатларнинг вакиллари томонидан Париж аҳдномаси - «Бриан-Келлог аҳдномаси» имзоланди. Аҳдномада миллий сиёсатнинг қуроли сифатида урушдан воз кечиш, жанжалли масалаларни тинч йўл билан ҳал қилиш айтилган. Лекин бу аҳдномада турли-туман шартлар, ноаниқ жумлалар кўп эди.

«Бриан - Келлог аҳдномаси» капиталистик зиддиятларнинг, хусусан Англия-АҚШ зиддиятларининг кескинлашуви натижасида вужудга келди. Бу аҳднома аслида революцион ҳаракатларга, айниқса СССРга, унинг

тинчликсеварлик сиёсатига қарши агрессив блок тузишга қаратилган эди. Миллатлар иттифоқида бўлмаган АҚШ шу аҳднома асосида бутун дунёда гегемонликка эришишни кўзда тутди. Совет ҳукумати империалистларнинг антисовет, агрессив муддаоларини фош қилиб ташлади, аҳдномани тинчлик ишига қаратишга уринди ва уни ҳаммадан олдин тасдиқлади. Совет ҳукумати бу аҳдномани тезда кучга киритиш учун 1929 йил 9 февралда бир қанча кўшни давлатлар билан протокол тузди. 1929 йил ёзида «Бриан - Келлог аҳдомаси» кучга кирди. Лекин империалистик давлатлар унга амал қилмадилар.¹

Империалистик давлатлар пацифизм сафсатабозлиги ниқоби остида амалда урушга тайёргарлик сиёсатини олиб бордилар. Версаль-Вашингтон системаси капиталистик мамлакатларнинг иқтисодий ва сиёсий нотекис ривожланиб боришига, халқаро аҳволдаги ўзгаришларга табора мувофиқ келмай қола берди. Империалистик давлатлар ўртасидаги, капитализм лагери билан СССР ўртасидаги, метрополиялар билан мустамлакалар ўртасидаги ва бошқа зиддиятлар кескинлаша борди.

Германия милитаризмининг СССРга қарши тиклана бориши натижасида немис монополиялари, айниқса Германиянинг реваншист ташкилотлари - «Мустамлакачилик империяси амалий ҳамкорлиги», «Рейхстагнинг мустамлака комитети» ва бошқалар Версаль системасини ревизия қилиш ғоясини илгари сура бошладилар.

1927 йилда империалистик Япония бутун Осиёда ўз ҳукмронлигини ўрнатиш плани («Танака меморандуми») билан чиқди. Бу планда Япония империалистларнинг «қилич ва қон» сиёсатига амал қилиб, Осиё мамлакатларини СССРнинг Уралгача бўлган қисмини, кейин ҳатто Европани бирин-кетин босиб олиш, деярли жаҳонга ҳукмрон бўлиб олиш ғояси кўзда тутилди; планда СССР ва АҚШ билан уруш бўлиши «муқаррар» деб

¹ Язьков Е.Ф. История стран Европы и Америки в новейшее время. 1918-1949 гг. - М., 2000. - С.201.

қаралди.¹

Шарқ мамлакатларида миллий озодлик ҳаракатлари кенг қулоч ёйди. 1926-1927 йилларда Индонезия халқининг Голландия мустамлакачиларига, Ҳиндихитой халқларининг Франция мустамлакачиларига қарши кураши авж олди. Корея халқи Япония босқинчиларига қарши қаҳрамонона курашни давом эттирди. Ҳиндистонда ҳам антиимпериалистик кураш кучая борди. Сурия халқи ўз миллий мустақиллиги учун курашди. Африканинг шимолида, Марокашда риф қабилаларининг Франция ва Испаниянинг мустамлакачиликлари сиёсатига қарши кураши қизиб кетди.

Улуғ Хитой халқининг 1924 йилда бошлаган революцион граждан уруши миллий озодлик ҳаракатининг юксалаётганлигини янада яққол кўрсатди.

Империализм системасини борган сари кучли ларзага келтираётган Хитой революцияси авж олиб бормоқда эди. Хитой революциясининг биринчи босқичидаги ҳаракат империалистларнинг Хитойдаги ҳукмронлик позицияларига, уларнинг таянчи бўлган маҳаллий милитаристик тўдаларга қарши қаратилган эди. Хитой революцияси ички ва ташқа реакция кучларини ваҳимага солди ва уларни ғзаблантирди. Бу реакция кучлари биргаликда ҳаракат қилдилар. Империалистик, реакцион тенденция тобора кучайди. Шу сабабли «рус масаласи» ва «Хитой масаласи» деб аталган масалалар халқаро империализм сиёсатининг энг муҳим масалалари бўлиб қолмоқда. Стабиллашаётган Европа империализми бу масалалардан икки жиҳатдан: иқтисодий экспансия жиҳатидан ҳам (бозор, капитал солиш доираси, хом ашё манбалари), революциянинг олдини олиш учун унга қарши уруш тайёрлаш жиҳатидан ҳам манфаатдор.

1925 йил 30 майда Англия ва Америка полицияси Шанхай ишчилари ва студентларининг намоёишини ўққа тутди. Бу ёвузлик бутун Хитойда норозиликни кучайтириб юборди. Хитой халқи империалистларнинг

¹ Розалиев Ю.Н. Новая и новейшая история стран Азии и Африки. - М., Наука, 1987. – С.98.

Хитойдаги барча имтиёзларини, тенг ҳуқуққа асосланмаган шартномаларни бекор қилишни, чет эл қуролли кучларини Хитойдан олиб чиқиб кетишни талаб қилди.

Хитой революциясидан ваҳимага тушган ва қутурган империалистлар ўз ҳарбий кемаларини Хитой соҳилларига юбордилар ва халққа қарши ёвузликни давом эттирдилар. Шу билан бирга, улар тенг ҳуқуққа асосланмаган шартномаларни қайта кўриб чиқишга гўё тайёр эканликларини билдириб халқ оммасини алдашга уриндилар. Лекин бу найранглар натижа бермади.

1926 йил сентябрида Англия ҳарбий кемалари Ваньсянь шаҳрини ўққа тутиб, 6 мингга яқин кишини ҳалок қилди. 1927 йил 3 январда Англия кўшинлари Ухандаги оммавий митингга ҳужум қилди. Бунда қарийб 30 киши ўлдирилди ва ярадор қилинди.¹

1927 йил баҳорида революцион кураш кескинлашган бир вақтда АҚШ, Англия, Япония ва Франция Хитойга қарши очикдан-очик интервенцияга ўтдилар; уларнинг 170 тача ҳарбий кемаси. Хитой соҳилларига яқинлашиб, Нанкин каби шаҳарларни ўққа тутди ва Нанкиннинг ўзидагина қарийб 2 минг киши ҳалок бўлди. Бу билан империалист зўравонлар Хитой халқини, шунингдек Шарқда озодлик учун курашаётган бошқа халқларни кўрқитмоқчи бўлдилар. Улар революцияга хиёнат қилган Гоминданнинг ўнг группасини, чан кайшичиларни қўллаб-қувватладилар ҳамда контрреволюцион исёнлар кўтаришга ундадилар. Чан Кайши халқаро империализмнинг, айниқса Америка империализмининг Хитой революциясига қарши ва СССРга қарши кураш қуролига айланди.

Вақтинча муваффақиятсизликларга карамай, Хитой революцияси тобора чуқурлашди. Совет халқлари, бутун дунёдаги кишилар хитой халқини сиёсий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватладилар. Англия ва бошқа мустамлакачи империалистларнинг позициялари заифлашиб борди.

¹ Новейшая история Китая. 1917-1970 гг. - М., Наука, 1972. – С.256.

Миллий озодлик ҳаракатларининг юксалиб бориши, СССРнинг мустамлака ва қарам мамлакатларга таъсири, Совет Иттифоқи халқларининг Шарқ халқлари билан ҳамкорлиги империалистик давлатларнинг СССРга нисбатан қаҳру ғазабини ошириб юборди. Англия СССРга қарши янгидан хуруж ва иғволар бошлаб юборди.

1927 йил февралида Англия ҳукумати СССРнинг гўё Англияга қарши юргизаётган пропагандасига норозилик билдириш ва дўқ-пўписа қилиш йўли билан ўз талабларининг, оғир савдо шартларидинг СССР томонидан қабул қилинишига эришмоқчи бўлди. Бу иғвонинг муваффақиятсизликка учрашига ва Совет ҳукуматининг огоҳлантиришига қарамай, Англия ва бошқа империалистик давлатлар СССРнинг Хитойдаги элчихоналарига ва совет дипломатияси ходимларига қарши бир қанча суиқасд ва фитналар уюштирдилар, СССР билан Хитой муносабатларини кескинлаштириб, бу икки мамлакат ўртасида уруш чиқармоқчи бўлдилар. 1927 йил 12 майда Лондонда Англия-Совет акцияли жамияти - «Аркос» биносига хужум қилинди. Полиция пўлат сандиқларни бузиб, Совет савдо ваколатхонасининг ҳужжатларини босиб олди. Англия ҳукумати СССРни Англиянинг ички ишларига «аралашиш»да айблашга уринди ва сохта ҳужжатни пеш қилиб, 1927 йил 26 майда СССР билан дипломатик алоқани узди.¹

Совет ҳукумати бундай ғаразли ҳаракат ва иғволарни фош қилди ва дипломатик алоқаларни узиш аввало Англиянинг ўзи учун зарарли эканлигини билдирди. СССР халқ хўжалигининг барча соҳаларидаги ишларни давом эттирди.

Франция империалистлари ва уларга қарам бўлган Шарқий Европадаги ҳукмрон доиралар, Руминия ҳамда Польша буржуазияси ва помещиклари Англия империалистларининг хатти-ҳаракатларини қувватладилар. Улар Болтиқ бўйида СССРга қарши плацдарм вужудга келтирмоқчи бўлдилар. 1927 йил 7 июнда Варшавада бир рус оқ гвардиячиси совет элчиси Войковни

¹ Новейшая история Китая. 1917-1970 гг. - М., Наука, 1972. – С.320.

ўлдирди. Империалист ифвогарлар ўз агентлари ёрдамида СССР билан Польша ўртасида уруш чиқармоқчи бўлдилар. СССР билан Франция, Польша ва бошқа бир қанча мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар ёмонлашди. Худди ўша вақтларда чет эл разведкасининг агентлари СССРнинг бир қатор шаҳарларида кўпуровчилик ва террорчилик ишларини кучайтириб юбордилар. 1927 йилда инглиз диверсантлари Ленинграддаги партия клубига бомба ташладилар, 30 га яқин киши ярадор бўлди.

1927 йил 14 июнда Англиянинг ташаббуси билан Женевада чақирилган халқаро конференцияда Англия Коминтернга қарши кураш ниқоби остида СССРга қарши иттифоқ ташкил этишга ва Совет республикасига қарши уруш бошлашга даъват этувчи декларацияни қабул қилдиришга уриниб кўрди. Умуман, СССРга қарши контрреволюцион уруш очиш хавфи ўша даврнинг энг жиддий проблемаси ҳисобланар эди.

Лекин империалистик зиддиятлар, чет эллардаги ишчилар синфининг революцион ҳаракати, СССРни кўллаб-қувватлаши, Совет давлатининг тинчликни ҳимоя қилишга қаратилган актив ва изчил ташқи сиёсати, антисовет ифволарни фoш этиб, низоларнинг чуқурлашувига йўл қўймаслиги туфайли, империалистларнинг антисовет блоклар тузиш ва СССРга қарши уруш очиш планлари барбод бўлди.

1927 йил октябрида, Ғарбда Советларга қарши асабийлик авжига чиққан бир вақтда СССР билан Эрон ўртасида гарантия ва бетарафлик тўғрисида шартнома тузилди.

1927 йили Женевада бўлиб ўтган халқаро иқтисодий конференцияда совет делегацияси СССРнинг бошқа мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини билдирди; СССРга қарши иқтисодий ва сиёсий бойкотдан воз кечишга чақирди ва батамом қуролсизланишни амалга оширишни жиддий равишда талаб қилди.

1927-1929 йилларда капиталистик мамлакатларда эса иқтисодий тушкунлик бошланди.

Халқаро контрреволюция СССРнинг ўсаётган қувватига ичдан туриб зарба беришга ҳам уринди. У жосуслик ва қўпоровчилик ишларини кучайтирди. 1928 йили СССРда шахти кўмир районида фoш қилинган катта зараркунандачилик ташкилоти («Шахта иши») ташқи ва ички антисовет кучларнинг биргаликда ҳаракат қилганлигини яққол кўрсатди. «Шахта иши» халқаро капиталнинг СССРга қарши иқтисодий интервенциясининг бир кўриниши эди.

1929 йилда халқаро реакция Хитойда ва Хитой-Совет чегарасида СССРга қарши катта иғво уюштирди.

1929 йил июль - август ойларида гоминданчи кўшинлар ва рус ок гвардиячилари Харбиндаги Совет элчихонасини тор-мор қилиб, СССРга қарашли ва Совет Иттифоқи билан Хитой томонидан тенг ҳуқуқлилиқ асосида бошқарилаётган Шимоли-Шарқий Хитой (Дунбэй)даги Шарқий Хитой темир йўлига (КВЖДга) ва Совет чегара районларига ҳужум бошладилар. СССР ва Гоминдан Хитойи ўртасида дипломатик алоқа узилди. Халқаро империализм шу йўл билан СССРга қарши олдин Шарқдан, кейин Ғарбдан уруш очмоқчи бўлди. Империалистлар, уларнинг малайларининг бу қабих ҳаракатлари ва авантюраси ҳам барбод бўлди. Гоминдан Хитойининг илтимосига кўра, 1929 йил декабрида КВЖДда олдинги ҳолати тиклаш юзасидан Совет-Хитой протоколи имзоланди. Хитой томони ок гвардиячиларни қуролсизлантириш мажбуриятини олди. Совет кўшинлари ўз позицияларига қайтдилар.¹

Англияда 1929 йили лейбористлар ҳокимият тепасига келгач, СССР билан дипломатик муносабатлар тикланди. Шундай қилиб, СССР душманлар ҳужумига зарба бериб, катта ютуқларни қўлга киритди.

¹ Новейшая история Китая. 1917-1970 гг. - М., Наука, 1972. – С.366.

2. Жаҳон иқтисодий кризиси йилларида халқаро муносабатлар

Капиталистик мамлакатларда 1929 йилнинг охирига келиб вақтинча, қисман стабиллашув даври тугади ва жаҳон иқтисодий кризиси бошланиб кетди. Бу эса капитализмнинг умумий кризиси шароитидаги ва уни янада чуқурлаштириб юборган иқтисодий кризис эди. Бу кризис биринчи жаҳон урушидан кейинги халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини чулғаб олган биринчи энг чуқур кризис бўлиб, 1933 йилгача давом этди. Бу кризис ўзининг келтирган зарарлари ва оқибатлари жиҳатидан биринчи жаҳон уруши етказган зарарларга тенглашди. Ўзининг кучи ва узоқ давом этиши жиҳатидан ғоят кўламли бўлган бу иқтисодий кризис бутун капиталистик дунёни ларзага келтирди. Капиталистик мамлакатларда саноат маҳсулоти 36%, пўлат ва чўян эритиш 60-65% камайиб кетди. Ташқи савдонинг ҳажми ҳам 60-65% қисқарди. Молиявий аҳвол ёмонлашди. 1933 йилда бутун капиталистик лагерда ишсизлар сони 30 миллион кишидан ошди.¹ Аграр кризис иқтисодий кризисни янада чуқурлаштирди. Кўпгина капиталистик давлатларнинг ички ва ташқи аҳволи жуда ёмонлашиб кетди.

Кризис йилларида капиталистик мамлакатларда янгидан кучли революцион юксалиш юз берди. Хитойда революцион граждон уруши кенгая борди. Мустамлака ва қарам мамлакатларда миллий озодлик курашлари кенг қулоч ёйди.

Жаҳон иқтисодий кризиси ва капитализмнинг нотекис ривожланиши капиталистик системанинг барча зиддиятларини йирик империалистик давлатлар, яъни АҚШ билан Англия ўртасидаги, АҚШ билан Япония, Франция билан Италия, Англия билан Франция ўртасидаги, жаҳон урушида ғолиб чиққан давлатлар билан Германия ўртасидаги, империалистик давлатлар билан мустамлака ва қарам мамлакатлар ўртасидаги, меҳнат билан капитал ўртасидаги, капиталистик система билан ооциалистик система

¹ Нуриддинов З.Р. Ғарб мамлакатларининг энг янги тарихи (1917-1939). - Т., 1963. – Б.475.

ўртасидаги зиддиятларни кескинлаштириб юборди. Жаҳон империалистик реакцияси бу зиддиятларни СССР ҳисобига бартараф қилишга зўр бериб интилди.

Йирик империалистик давлатлар СССРдаги социалистик қурилишни барбод қилиш, янги интервенцияга шароит яратиш учун фашистларнинг Советларга қарши фаолиятини рағбатлантирдилар. Германия милитаризмининг тикланишига ва унинг ўсишига катта ёрдам кўрсатилди («Юнг плани»). 1929 йил августида Гаагадаги халқаро конференцияда эса Рейн зонасини оккупация қилиб туришни 1930 йилда тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ҳолбуки Версаль шартномасига мувофиқ, оккупация 1935 йилгача давом этиши керак эди. 1931-1932 йилларга келиб АҚШ ҳукуматининг ҳимояси остида Германия ҳукумати иқтисодий кризис сабабли репарация тўлашдан бош тортди. «Юнг плани» ўз кучини йўқотди.¹

Шундай қилиб, чет эл, хусусан АҚШ империалистларининг ёрдами билан Германиянинг саноати, ҳарбий қуввати ўсди ва 1929 йилдаёқ у асосан тикланди. Германия экономикаси АҚШ монополияларига кўпроқ қарам бўлиб қолди. Натижада Америка ва Германия монополистлари ўртасидаги конкуренция кучайди.

Жаҳон иқтисодий кризиси таъсирида капиталистик дунё билан СССР ўртасидаги муносабатлар янада кескинлашиб кетди. Империалистик доираларда Совет Иттифоқига қарши интервенциячилик кайфиятлари яна жонланди. 1930 йилда империалистик реакция СССРга қарши янги интервенцияни пропаганда қилди. Рим папаси Пий XI бу масалада алоҳида ташаббус кўрсатиб, диндорларга қарата мурожаатнома чиқарди, уларни СССРга қарши «салиб юриши»га даъват этди. Империалистлар Совет Иттифоқидаги аҳволни ва Совет ҳукумати сиёсатини турли тухматлар билан бузиб кўрсатишга уриндилар. Буржуа матбуоти Совет республикасига қарши тухмат кампаниясини қизитиб юборди, СССРда «мажбурий меҳнат»

¹ Язьков Е.Ф. История стран Европы и Америки в новейшее время. 1918-1949 гг. - М., 2000. - С.268.

қўлланилаётганлиги ҳақида, «совет демпинги» натижасида капиталистик мамлакатларда иқтисодий кризислар бошланганлиги тўғрисида жар солди; СССР товарларига бойкот эълон қилишни, Совет республикасига қарши иқтисодий уруш бошлашни талаб қилди: Франция, Бельгия каби бир қатор мамлакатларда совет экспортига қарши чоралар кўрилди. СССР билан савдо алоқалари чекланди, совет товарларига бож оширилди. СССРга кредит бермаслик чоралари қўлланди.

Совет ҳукумати капиталистик давлатларнинг бойкот сиёсатига жавобан товарларни чет элга заказ қилиш ва сотиб олишни тўхтатиш ёки камайтириш, чет эл транспортдан фойдаланмаслик, СССР орқали бўладиган транзит савдо ишларини тўхтатиш ёки чеклаб қўйиш каби тадбирларни амалга оширди.

Империалистик реакция дипломатик йўл билан ҳам СССРга қарши интервенция тайёрлашга кўп уринди. 1930 йил майида Франция ташқи ишлар министри Бриан кризисдан кутулиш, ўзаро ҳамкорлик қилиш баҳонаси билан Европа қитъасидаги давлатларнинг «федератив иттифоқи»ни, яъни «пан-Европа» тузишни таклиф қилди. Бу план аслида Европада яна Франция гегемонлигини ўрнатишга, аввало СССРни яккалаб қўйишга, агрессив блок тузиб СССРга қарши уруш очишга қаратилган эди. «Пан-Европа» планини фақат Польша ва Чехословакия ёқлаб чиқди. Англия Франциянинг кучайиб кетишидан хавфсираб, бу планни қўллаб-қувватламади. Бошқа бир қатор мамлакатлар Англия позициясини маъқулладилар. Нуфузли савдо-саноат доираларининг совет заказларидан манфаатдорлиги реакцион империалистик кучларнинг антисовет найрангларини бирмунча қийинлаштириб қўйди.

1931 йилда Миллатлар иттифоқи Европа Комиссияси сессиясининг Кичик иқтисодий комиссиясида халқаро кенг жамоатчиликнинг талаби билан шу комиссияга таклиф қилинган совет делегацияси «пан-Европа» планини фош қилиб ташлади; иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида, тинчлик муносабатлари тўғрисида таклифлар киритди. СССРнинг ташаббуси билан

бу конференцияда иқтисодий ҳужум қилишмаслик ҳақида қарор қабул қилинди. Бу қарорда ижтимоий системаси турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаши қайд этилди. Шу тариқа, «пан-Европа» плани барбод бўлди.

Шунга қарамай, империалистик давлатлар СССРга қарши интервенция қилиш учун тайёргарликни давом эттира бердилар. Ҳарбий штаблар ўртасида музокаралар олиб борилди. Франция бош штабида интервенция планлари ишлаб чиқиладиган бўлди. 1932 йилда АҚШ бош штабининг бошлиғи генерал Макартур антисовет мақсадда Европа мамлакатларига саёҳат қилди. СССРга қарши тухмат кампанияси, иғво ва фитналар яна кучайиб кетди. Варшавадаги Совет элчихонасини портлатишга уриниш (1930), Германиянинг Москвадаги элчихонаси маслаҳатчисининг оқ гвардиячи томонидан ярадор қилиниши (1932) сингари иғволар юз бериб турди.¹

Халқаро реакция СССР территориясида жосуслик ва кўпуровчилик ишларини яна уюштирди. Империалистлар СССРдаги контрреволюцион унсурларнинг қолдиқларидан ташкил топган яширин ташкилотлардан («Саноат партияси», «Деҳқонлар меҳнат партияси», «Меньшевиклар иттифоқи бюроси», украин буржуа миллатчилари ташкилотидан) фойдаландилар ва уларни қўллаб-қувватладилар.

Лекин империалистик реакциянинг СССРга қарши қаратилган ҳамма интилишлари барбод бўлди. Бунинг асосий сабаби шуки, СССРнинг иқтисодий ва ҳарбий қудрати мустаҳкамланиб борди, империалистик зиддиятлар ва капиталистик мамлакатларда синфий зиддиятлар кучайди, СССР тинчлик учун қатъий кураш олиб борди, чет эл меҳнаткашлари СССРни қўллаб-қувватладилар.

Чет мамлакатлардаги халқлар оммаси СССРнинг ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлади. Совет давлати империалистик давлатларнинг зиддиятларидан фойдаланиб, тинчлик учун курашда янги ютуқларга эришди.

¹ Нуриддинов З.Р. Ғарб мамлакатларининг энг янги тарихи (1917-1939). - Т., 1963. – Б.478.

СССР Польша ва Франция билан ўзаро ҳужум қилишмаслик тўғрисида шартномалар тузиш тўғрисида музокаралар олиб борди. Совет-Туркия, Совет-Афғонистон муносабатлари ривожланди. 1931 йилда чет мамлакатлар билан иқтисодий алоқалар кенгайтирилди. 1932 йили СССР Туркияга анчагина миқдорда кредит берди. Совет ҳукумати Туркиянинг саноатини ривожлантириш учун катта ёрдам кўрсатди. Туркия ва бошқа баъзи бир Шарқ мамлакатлари билан маданий алоқалар кучайди. 1931 йил 24 июнда СССР билан Афғонистон ўртасида бетарафлик ва ўзаро ҳужум қилишмаслик тўғрисида шартнома тузилди. Афғонистон билан иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалар ривожланди.

Шундай қилиб, СССРнинг ички ва ташқи сиёсатдаги ютуқлари туфайли, уруш оловини ёқувчиларнинг, интервенциячиларнинг антисовет блок тузиш планлари барбод бўлди. Халқаро реакциянинг СССР территориясидаги жосуслик ва кўпоровчилик фаолиятига зарба берилди. Қонтрреволюцион ташкилотлар фoш этилди ва тугатилди.

Иқтисодий кризис йилларида дунёни қайта тақсимлаш учун кураш кескин тус олди. Узоқ Шарқда, Хитойда бозор ва хом ашё манбаларини кўпроқ эгаллаш ҳамда шу йўл билан бу мамлакатларда ўз позицияларини мустаҳкамлаш учун курашда айниқса Япония, АҚШ ва Англия ўртасида рақобат кучайди. Япония қулай шароитдан, яъни Хитойда гоминдан реакционерларининг революцион кучларга қарши шиддатли граждaн уруши бошланганидан ва СССР билан капиталистлар ўртасидаги зиддиятларнинг кескинлашуvidан фойдаланиб, 1931 йил сентябрида ўзининг кенг авантюристик, босқинчилик планларини («Танака меморандуми»ни) амалга оширишга киришди. Бундай зўравонлик билан Япония биринчи бўлиб Версаль-Вашингтон системасини қайта кўриб чиқишга шошилди. Япония ўз мустамлакаси бўлган Кореянинг шимолий районларини ҳарбий плацдармга айлантирди. 1931 йил сентябри - 1932 феврилида Япония Хитойнинг шимоли-шарқий районларини - Маньчжурияни босиб олди ва кўғирчоқ

Маньчжоу-Го давлатини тузди.¹ Хитойнинг шимоли-шарқи Япониянинг муҳим агрессив плацдармига айлантирилди. Натижада Узоқ Шарқда урушнинг биринчи ўчоғи вужудга келди. Чан Кайши ҳукумати таслимчилик позициясини тутди. Фақат Хитой Коммунистик партиясигина мамлакатдаги қийинчиликларга қарамай, Япония босқинчиларига қарши курашнинг чинакам ташкилотчиси бўлди.

Гарчи Япониянинг Хитойдаги экспансияси Ғарбдаги империалистик давлатлар, айниқса АҚШнинг манфаатларига дахл қилган бўлса ҳам, улар аслда япон агрессиясини рағбатлантирдилар, унга иқтисодий ва ҳарбий-техника жиҳатдан ёрдам бериб турдилар. Уларнинг асосий мақсади Япония кўли билан Хитойдаги революцияни бўғиш, Японияни Совет республикасига қарши қаратиш, СССРни ҳам, Японияни ҳам заифлантириш эди. АҚШ Япония агрессиясини юзаки қоралаб, Япония билан Хитой ўртасида воситачилик қилишга, Япония агрессиясини Марказий ва Жанубий Хитойга эмас, балки Шимол томонга кенгайтиришга, Япония ва Хитой кўшинлари оралиғида «бетараф зона» тузиб, бу зонага АҚШ, Англия ва Франция кўшинларини киритишга, ҳуллас, ўз позицияларини мустаҳкамлаб олишга зўр бериб уринди.²

Англия ҳукумати АҚШнинг воситачилик ролига қарши чиқди. У ўз империалистик мақсадыарини кўзда тутди. Миллатлар иттифоқи Япония агрессиясига қарши чора кўрмади; Хитой ҳукумати Миллатлар иттифоқига мурожаат қилиб, Япония агрессиясига барҳам беришни сўради. Аммо Миллатлар иттифоқи Хитойга ҳеч қандай ёрдам кўрсатмади. АҚШ ҳукумати эса Япониянинг Хитойдаги агрессиясини сўздагина қоралаб, Хитой территориясининг дахлсизлигини ҳимоя қилишга қаратилган бирор тадбирни кўзламади.³

Узоқ Шарқдаги воқеалар муносабати билан АҚШ вакилининг

¹ Новейшая история Китая. 1928-1943 гг. - М., Наука, 1984. - С. 146.

² История новейшего времени стран Европы и Америки (1918-1945). Под ред. Е.Ф.Язькова,-М.,1969.-С.360.

³ Новейшая история Китая. 1928-1943 гг. - М., Наука, 1984. - С. 150.

иштирокида англиз Литтон бошчилигида Миллатлар иттифоқи ҳузурида тузилган комиссия аста-секин ва ифвогарлик билан СССРга қарши иш олиб борди. Комиссия Хитой халқи ҳисобига ва СССРга қарши Япония билан тил бириктиришга эришмоқчи бўлди. Бу комиссия ишини Миллатлар иттифоқининг Бош Ассамблеяси томонидан тузилган комиссия («19лар комитети») давом эттирди. Миллатлар иттифоқида Япония-Хитой жанжалининг муҳокама қилиниши машъум «аралашмаслик» сиёсатининг бошланиши бўлди.

1931-1932 йилларда ва 1933 йил бошида Япония фурсатдан фойдаланиб агрессияни анча кенгайтирди. АҚШ, Англия ва Франциянинг империалистик манфаатларига қарши жиддий хавф туғилди. АҚШ-Япония, Англия-Япония зиддиятлари кучайди. Шундан кейингина, 1933 йил февралида Миллатлар иттифоқи Литтон комиссиясининг иши тўғрисида қарор қабул қилди. Бу қарорда Японияга бутун Хитойда «очик эшиклар» ва «тенг имкониятлар» принципига амал қилиш, Маньчжурияни Хитой қўл остидаги автономия деб таниш, япон қўшинларини олиб чиқиб кетиш таклиф қилинди. Япония бу қарорни қабул қилмади. 1933 йил мартида Япония Миллатлар иттифоқидан чиқди.

Шундай қилиб, 1931-1932 йилларда АҚШ, Англия ва Франциянинг қўллаб-қувватлаши ва рағбатлантириши натижасида Хитойда Япония империализмининг агрессияси кучая борди. Версаль-Вашингтон системаси барбод бўла бошлади.

Япониянинг Узоқ Шарқдаги агрессияси туфайли СССРнинг халқаро аҳволи оғирлашди. Узоқ Шарқ томонидан СССРга қарши уруш хавфи кучайди. Япония ҳукумати СССРга қарши яна дағдаға қила бошлади. У Шарқий Хитой темир йўлига бир неча марта бандитларча хужум уюштирди. Япония милитаристлари 1931 йилда ўз агентлари орқали Япониянинг Москвадаги элчисини ўлдиришга ва СССР билан Япония ўртасида уруш чиқаришга уриндилар. Совет ҳукумати Хитойни маънавий-сиёсий томондан

қўллаб-қувватлади. Хитойнинг шимоли-шарқий қисмининг Япония томонидан босиб олиншини танимади ва Япония ҳукмрон доираларининг асосий мақсадларини фош этди; Узоқ Шарқда муҳофаа чораларини кўрди. 1931 йил охирида Совет ҳукумати ўзаро ҳужум қилишмаслик аҳдномаси тузишни Японияга таклиф қилди. Бироқ Япония ҳукумати бу таклифни рад этди. СССР қудратининг ошиб бориши эса, япон агрессорларининг Совет Иттифоқиға ҳужум қилиш планларини амалга оширишға йўл қўймади. 1932 йил декабрида СССР билан Хитой ўртасида дипломатик алоқалар тикланди. Чўзилиб кетган иқтисодий кризис ва капитализмнинг но-текис ривожланиши капиталистик мамлакатларнинг бозор ва хом ашё учун. курашини ва улар ўртасидаги зиддиятларни кескинлаштириб юборди.

Кризис ва империалистик зиддиятлар кучайиб, революцион кураш юксалиб бораётган бир шароитда урушқоқ империализм партиялари янада активлашди. Япониянинг агрессив ҳаракати ва ғарбий давлатларнинг қаршилиқ кўрсатмаслик сиёсати Европада, аввало Германияда реванш ва уруш тарафдорлари кучларини рағбатлантирди. Германия буржуазияси чет эл империалистларининг қўллаб-қувватлаши ва ўнг социалистларнинг ишчилар синфига хиёнат қилиб буржуазияни ҳар томонлама қувватлаши билан 1933 йил январида Гитлер бошчилигида фашистик диктатура ўрнатди. Уруш партияси бўлган фашистлар партияси давлат тепасига чиқиб олди. Фашистик диктатура ўтакетган реакцион, энг шовинистик ва агрессив империалистларнинг ошқора террористик диктатураси эди. Буржуа демократиясининг қолдиқлари тугатилиб, сиёсий бандитлик тартиби ўрнатилди. Коммунистик партия ва барча прогрессив ташкилотлар тақиқланди.

Шундай қилиб, Европа марказида урушнинг иккинчи ва асосий ўчоғи вужудга келди.

Германия фашистлари ишчилар синфини ва барча меҳнаткашларни эксплуатация қилишни кучайтириб, халқ хўжалигини милитаризация

қилдилар, Гитлер жаҳонга ҳукмрон бўлиш планини илгари сурди. Гитлер Германияси Францияни асоратга солиш, Англия мустамлакаларини қўлга киритиш, Латин Америкасини, сўнгра АҚШни ўзига бўйсундириш, Африкани эгаллаб, унинг халқларини қул қилишни мақсад қилиб қўйди. Фашистлар жаҳонга ҳукмрон бўлишга эришишда Совет Иттифоқини асосий тўсиқ деб ҳисоблаб, аввало «Шарққа юриш», социалистик давлатни тугатиш учун, СССРни ва бошқа қўшни мамлакатлар территориясини босиб олиш учун курашни биринчи навбатдаги вазифа деб ҳисобладилар; инсониятга душман бўлган «ирқий назария»ни илгари сурдилар. Фашистлар Германияси барча мамлакатлар ва халқларга қарши мудҳиш «тотал уруш»га зўр бериб тайёрланди. Германиянинг дипломатик аппарати жосуслик ва қўпоровчилик вазифаларини бажарди.

Гитлер Германияси барча империалистик давлатларнинг диққатини ўзига жалб этиш ва дастлабки вақтда ўзининг асл мақсадларини ошқора қилмай, ниқоблаш учун коммунизмга қарши курашга ҳамиша шайланиб турганлигини билдирди. Бу эса АҚШ, Англия ва Франция сингари империалистик давлатлар реакционерларининг асосий муддаоси эди. Улар империалистик зиддиятларни СССР ҳисобига бартараф қилишга, фашистик кучлардан Европадаги ва бошқа мамлакатлардаги революцион-демократик ҳаракатларни бостириш учун фойдаланишга, Германия билан келишиб олишга шошилдилар. АҚШ монополистик капиталининг намояндалари (Даллес, Дюпон ва бошқалар) Германияга тез-тез келиб турдилар. Германия монополиясининг Шахт каби айрим йирик намояндалари АҚШга бориб келдилар. АҚШ ва Англия Германияга молиявий ва моддий-техника жиҳатдан кўп ёрдам бердилар. АҚШдан самолётлар учун радио-электроаппаратлар, запас қисмлар, ускуналар юборилди. Инглиз империалистлари, Германия Совет республикаси ерларини босиб олиш билан қаноатланиб, Англия мустамлакаларига дахл қилмас, деб умид қилдилар. Франция империалистлари ҳам революцион кучларга ва СССРга қарши

курашиш учун фашистлар Германияси билан келишишга мойил эди. Ватикан эса гитлерчилар билан иттифоқ бўлиб олди.

1933 йил июлида Римда тўрт давлат: Англия, Франция, Германия ва Италиянинг «яқдиллик ва ҳамкорлик» аҳдномаси тузилди.¹ Бундан кузатилган асосий мақсад Германияни урушдан кейин тузилган шартномаларда кўрсатилган мажбуриятлардан қутқариш, унинг агрессиясига бемалол йўл бериб қўйиш, Германия билан Италияни СССРга қарши йўналтиришдан иборат эди. Аммо совет дипломатияси бу аҳдноманинг моҳиятини фош қилиб ташлаганлиги, империалистик давлатлар ўз ўрталаридаги зиддиятларни бартараф қила олишлари мумкин бўлмаганлиги туфайли бу аҳднома муваффақиятсизликка учради.

1933 йил июнида Лондондаги халқаро иқтисодий конференцияда Германия делегациясининг бошлиғи Гутенберг мустамлакалар масаласини қайта кўриб чиқишни, аввало СССР ҳисобига герман территориясини кенгайтиришни талаб этди, бу билан у герман фашистларининг ўтакетган агрессив мақсадларини ошқора баён қилган эди. Совет ҳукумати гитлерчиларнинг бу хуружларига қарши қатъий норозилик билдирди. Бошқа давлатлар эса ўзларининг мустамлакачилик мақсадларини кўзлаб гитлерчиларнинг талабига эътироз билдирдилар. Гитлер ўз вакилини Лондондан чақириб олди. Лекин бу чора конференциядаги вазиятни енгиллаштирмади.

Қуролсизланиш масаласида Женева конференциясида (1933-1934) Германия қуролланиш соҳасида бошқа мамлакатлар билан «тенг ҳуқуқлилик»ни талаб қилди, лекин Версаль шартномаси ва Локарно битимларининг ҳарбий моддаларини бекор қилишга эриша олмади. Германия вакили конференцияни ташлаб чиқиб кетди. 1933 йил октябрида фашистлар Германияси Миллатлар иттифоқидан чиқди. Гитлерчиларнинг бу каби хатти-ҳаракатлари уларнинг агрессив ниятларини тобора яққолроқ кўрсатар эди.

¹ Язьков Е.Ф. История стран Европы и Америки в новейшее время. 1918-1949 гг. - М., 2000. - С.324.

1934 йил январида, Германия билан Польша ўртасида ўзаро Хужум қилишмаслик тўғрисида шартнома тузилди. Гитлерчилар ўз мақсадларини амалга оширишда Польша реакционерларидан фойдаланиб, кейин Польшанинг ўзини ҳам босиб олмоқчи эдилар. Польша ҳукмрон доиралари Германия билан шартнома тузиб, Польшавинг миллий манфаатларига ва Шарқий Европадаги хавфсизлик ишига катта хиёнат қилдилар.

1934 йилда герман фашистлари Австрияни босиб олишга уриниб кўрдилар. Австрия меҳнаткашларининг қаршилиқ кўрсатиши, халқаро шароитнинг қулай бўлмаганлиги (асосан Италиянинг норозилиги) туфайли Австрияни босиб олиш кечиктирилди.

1935 йил январида Версаль шартномасига мувофиқ, Саар областида плебисцит ўтказилди. Гитлерчилар ўз фойдаларига кўпроқ овоз олишга эришдилар. Саар области Германияга қўшилди.

1935 йилдан бошлаб Германия ҳарбий-ҳаво ва ҳарбий-денгиз кучларини ҳамда қуруқликдаги қуролли кучларини кўпайтиришга астойдил киришди. Умумий ҳарбий мажбурият жорий қилинди. Германия бош штаби тикланди.

1935 йил 18 июнда Англия билан Германия ўртасида денгиз битими тузилди. Битимда Германия ҳарбий денгиз флотини Англия сув усти ҳарбий-денгиз флотининг 35%и ҳажмида ва сув ости ҳарбий-денгиз флотининг 45%и ҳажмида қуриш, кейинчалик Германиянинг сув ости флотини Англия сув ости флотига тўла тенглаштириш ҳуқуқи кўзда тутилди. Бу битим амалда Версаль сулҳ шартномасига қарама-қарши ўлароқ Германиянинг ҳарбий-денгиз қуролланишига тўла имкон берди. Англия Германия ҳарбий-денгиз кучларининг СССРга қарши йўналтирилишини умид қилди ва Франция флотига қарши қаратилган куч деб ҳисоблади. Англия билан Франция ўртасидаги алоқалар анча ёмонлашди. Англия Германия денгиз битими Англия флотини кўпроқ Ўрта денгизда мустаҳкамлашга мажбур этди, бу эса Японияга маъқул бўлди. Шундай қилиб, бу битим империалистик давлатлар

ўртасидаги зиддиятларни кескинлаштирди. Мазкур битим СССРга қарши уруш хавфини кучайтирди. Германиянинг қуролланиши бошқа мамлакатлар учун, жумладан, Англия учун ҳам хавfli эди.

Узоқ Шарқда ва Европада уруш ўчоқларининг вужудга келиши халқаро вазиятни ўзгартириб ва кескинлаштириб юборди. Германия ва Япония жаҳонга ҳукмрон бўлишни даъво қилиб чиқдилар. Англия ва Франция эса мудрофаа ҳолатига тушиб қолдилар. Шу тариқа, бир томондан, Германия, иккинчи томондан, Англия, Франция ва АҚШ ўртасида денгиз ва мустамлака масалаларида, Япония, АҚШ ва Англия ўртасида Узоқ Шарқ ва Тинч океанда зиддиятлар кучайиб кетди. СССРнинг халқаро вазияти эса янада оғирлашди, Империалистик давлатлар СССРни тор-мор келтириш, унинг бойликларини талаш ва территориясини тақсимлаб олиш учун курашдилар. Лекин империалистлар ўртасидаги зидди-ятлар, СССР куч-қудратининг ўсиб бориши, унинг сиёсати, чет эл мамлакатларидаги халқлар оммасининг Совет республикасини қўллаб-қувватлаши туфайли империалистларнинг СССРга қарши биргаликда ҳужум қилишларига имкон бермади.

СССР тинчлик ва хавфсизлик учун, чинакам қуролсизланиш учун актив курашни давом эттирди. 1932 йил июлида узоқ музокаралардан кейин СССР билан Польша ўртасида, 1932 йил ноябрида эса СССР билан Франция ўртасида ўзаро ҳужум қилишмаслик шартномалари тузилди. СССР билан Латвия, Эстония ва Финляндия ўртасида ҳам шундай шартномалар имзоланди. Совет ҳукумати Миллатлар иттифоқи доирасида ўтказилиши мўлжалланган халқаро қуролсизланиш конференциясининг тайёргарлик ишларини енгиллатишда кўмаклашди.

Женевада чақирилган халқаро қуролсизланиш конференциясида (1932 йил февраль - 1934 йил май) М.М.Литвинов бошлиқ совет делегацияси ялпи ва батамом қуролсизланиш тўғрисида ёки қисман қуролсизланиш тўғрисида таклифлар киритди. Аммо империалистик давлатлар бу таклифларни рад қилдилар. Улар бошқа давлатларнинг қуролли кучларидаги устунлигини

йўқотиш, ўз қуролли кучларининг афзаллигини сақлаб қолиш ёки кучайтириш мақсадини кўзлаб, турли таклифларни киритдилар.

Франция ўз халқаро позициясини мустаҳкамлаш мақсадида Миллатлар иттифоқи ҳузурида халқаро армия тузишни, Германия хавфига нисбатан Англия ва АҚШдан гарантия олишни, АҚШ ва бошқа империалистик рақиблар кучини заифлаштиришни кўзлаб қуролли кучларнинг иккидан бир қисмини қисқартиришни таклиф қилди.

Англия томонидан киритилган таклифларнинг бирида Германия кўшинлари сонини 100 минг кишидан 200 минг кишига етказиш, Франция армиясини эса 501 минг кишидан 200 минг кишига келтириб, Европа қитъасида Германия билан Франция кўшинлари сонини тенглаштириш, СССР кўшинлари сонини 500 минг кишидан оширмаслик зарурлиги кўрсатилди. Бу фақат қуруқликдаги ҳарбий қисмларни қисқартиришни мўлжаллаган антисовет мақсаддаги ғаразли таклиф бўлиб, бунда Англиянинг денгиздаги устунлигини сақлаш назарда тутилар эди.¹

Германия делегацияси бошқа мамлакатларнинг қуролли кучларини герман қуролли кучлари даражасигача қисқартиришни ёки герман қуролли кучларини бошқа йирик мамлакатларнинг қуролли кучлари даражасига етказишни таклиф қилди. Ҳақиқатда эса, Германия ўша вақтда ўз қуролли кучларини яширин суратда асосан қайта тузган эди ва у халқаро миқёсда қуролланишда «тенг ҳуқуқлилиқ»ни талаб қилмоқда эди.

Конференцияда мунозаралар кескин тус олди. Германия таклифи қабул қилинмагач, унинг делегацияси конференция ишини барбод қилишга уринди ва 1933 йил кузида конференциядан чиқиб кетди. Конференция қатнашчилари мушкул аҳволга тушиб қолди.

Совет делегацияси конференциянинг натижасиз тугамаслиги учун уни уруш хавфига қарши қурашувчи доимий органга айлантиришни таклиф қилди. Лекин бу таклиф ҳам империалистларга маъқул бўлмади.

¹ Нуриддинов З.Р. Ғарб мамлакатларининг энг янги тарихи (1917-1939). - Т., 1963. – Б.485.

Конференция жаҳон жамоатчилигига тинчлик ва хавфсизликнинг душманлари ва дўстлари кимлар эканлигини яққол кўрсатди. СССРнинг обрў-эъти-бори янада ошди. Конференция вақтида, 1933 йил февralида М.М.Литвинов бошлиқ совет делегацияси агрессия ва агрессор тушунчаларини аниқлашни, агрессорларнинг турли баҳоналарига йўл қўймасликни таклиф қилди. СССРнинг бу масалага доир конвенция лойиҳасида ҳамма халқларнинг ўз ички ишида, давлат формаси ва тараққиёти йўлини белгилашда тўла ҳуқуққа эга эканлиги, халқларнинг ички ишига аралашмаслик ва ҳоказолар баён қилинди. АҚШ, Англия ва Франция бунга қўшилмадилар. Туркия, Эрон, Афғонистон, Польша, Литва, Латвия, Эстония, Чехословакия, Руминия, кейинроқ Финляндия совет лойиҳасини («Литвинов протоколи»ни) қабул қилдилар ва 1933 йил 3-5 июлда Лондонда СССР билан мазкур давлатлар ўртасида агрессия ва агрессор тушунчасини аниқлаш ҳақида конвенция тузилди. Бу совет дипломатиясининг энг жиддий бир ютуғи бўлди.

СССР 1933 йилда Лондонда бўлиб ўтган халқаро иқтисодий конференцияда қатнашди. Совет делегацияси иқтисодий жиҳатдан ҳужум қилмаслик, иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида конференцияга лойиҳалар киритди. Совет ҳукумати ўзининг тинчлик ва дўстлик тарафдори эканлигини яна бир қарра кўрсатди. Ўша йили СССР ўзаро ёрдам тўғрисида Шарқий Европа регионал аҳдномасини тузишни таклиф қилди. Бунга Германияни ҳам жалб этиш кўзда тутилди. Бу таклифни Франциянинг ватанпарварлик кайфиятидаги айрим арбоблари, масалан, ташқи ишлар министри Луи Барту ва Чехословакия ҳукумати маъқуллади. Германия ва Польша Совет таклифига қарши чиқди. Гитлер ҳукумати қўшни мамлакатларга ҳужум қилмаслик тўғрисида икки томонлама аҳднома-лар тузишни таклиф қилди. Бу таклиф қўшни мамлакатларнинг агрессия хавфи олдида жипслашувига қарши қаратилган эди. Англия, Франция ва АҚШ ҳукмрон доиралари ҳам Совет таклифини рад қилдилар. 1934 йил октябрида Л. Барту Гитлер

Германиясининг агентлари томонидан ўлдирилди.

Европада Германия ва Осиёда Япония жаҳонга ҳукмрон бўлишни даъво қилиб чиқаётганлиги ҳамда СССРнинг куч-қуввати ва халқаро роли ошиб бораётганлиги туфайли 1934 йил 15 сентябрда Миллатлар иттифоқининг 34 та аъзоси Совет Иттифоқига Миллатлар иттифоқига аъзо бўлиб киришни таклиф қилди. СССР Миллатлар иттифоқидан тинчлик учун курашда фойдаланиш, уруш оловини ёқувчиларнинг бу халқаро органдан антисовет мақсадларда фойдаланишларига йўл қўймаслик учун, агрессия хавфига қарши Европадаги бир қанча давлатлар билан биргаликда регионал битим тузиш мумкин бўлганлиги учун 1934 йил 18 сентябрда Миллатлар иттифоқига аъзо бўлиб кирди. Совет ҳукумати бу органнинг ўша вақтгача бўлган фаолияти учун жавобгарликни ўз бўйнига олмаслигини, Миллатлар иттифоқи уставининг айрим моддаларига қўшилмаслигини ва мустақил сиёсат юритишини билдирди. СССР Миллатлар иттифоқида тинчлик ва хавфсизлик учун изчил курашувчи бирдан-бир давлат бўлди. У Миллатлар иттифоқида Хитой, Эфиопия, Испания халқларини, империалистик босқинчиларнинг қурбони бўлган бошқа мамлакат ва халқларини зўр бериб ҳимоя қилди.

Империалистик давлатлар ўз манфаатларига таҳдид солаётган герман ва япон агрессиясидан қўрқиб, бу агрессия хавфига қарши курашда СССРдан фойдаланишни кўзда тутдилар. Савдо-саноат буржуазиясининг Совет Иттифоқи билан иқтисодий алоқалардан кўпроқ манфаатдор бўлаётганлиги натижасида, ўша вақтгача Совет республикасини танимаган капиталистик мамлакатлар уни танишга мажбур бўлдилар. АҚШда СССР билан иқтисодий ва дипломатик алоқа ўрнатиш йўлида оммавий ҳаракат кучайди. Бу ҳаракатда ишчилар ва фермерлар актив қатнашдилар. «СССРни таниш ҳаракати комитети» тузилди. Юзлаб олимлар бу ҳаракатда иштирок этдилар. АҚШ кредиторлари ассоциацияси, Америка савдо палатаси, СССР саноатида ишлаётган америкалик мутахассислар - буларнинг ҳаммаси СССР билан

дипломатик алоқа ўрнатилишини талаб қилди. АҚШ ҳукумати бундай талабларни ва СССРнинг халқаро ролини эътиборга олишга мажбур бўлди ва Совет ҳукуматига дипломатик алоқалар ўрнатишни таклиф этди. Шундай қилиб, СССРни танимаслик сиёсати шармандали суратда барбод бўлди.

1933 йил 16 ноябрда СССР билан АҚШ ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисида битим тузилди. СССР Марказий Ижроия Комитетининг раиси М.И.Калининнинг 1933 йил 20 ноябрда Америка халқига мурожаатида айтилганидек, бу битим ҳар иккала мамлакатнинг манфаатлари учун ва умумий тинчликни мустаҳкамлаш учун катта аҳамиятга эга бўлган тарихий тадбирдир. Бироқ умуман олганда, АҚШ сиёсати фашист агрессорларга эрк бериб қўйди, уларнинг бир халқ кетидан иккинчи халқни ўз билганларича асоратга солишларига имкон берди.

АҚШ билан СССР ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганлигига қарамай, Американинг реакцион доиралари СССРга қарши душманлик ҳаракатларини давом эттиравердилар. Ўша йилиёқ, СССРга қарши актив разведкачи Буллит Москвага элчи қилиб юборилди.

1933 йили СССР билан Испания ўртасида, 1934 йили СССР билан Чехословакия, Руминия, Венгрия, Болгария, Албания ўртасида, 1935 йили СССР билан Бельгия, Люксембург ва Колумбия ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилди.¹

Франция ҳукумати жамоатчиликнинг қатъий талаблари натижасида ҳамда мамлакатда ўз мавқеини мустаҳкамлаш ва халқаро миқёсда Франция позициясини кучайтириш мақсадида 1935 йил 2 майда Совет Иттифоқи билан ўзаро ёрдам тўғрисида шартнома тузди. 16 майда СССР билан Чехословакия ўртасида ҳам шундай шартнома имзоланди. Айни маҳалда Франция билан Чехословакия ўртасида ҳам шу каби шартнома тузилди. Чехословакия ҳукуматининг талаби билан Совет-Чехословакия шартномасига агрессия юз берганда Франция ёрдам кўрсатган тақдирдагина

¹ Нуриддинов З.Р. Ғарб мамлакатларининг энг янги тарихи (1917-1939). - Т., 1963. – Б.487-488.

ўзаро ёрдам бериш ҳақида модда киритилди. Бу шартномаларда ўзаро ёрдамнинг конкрет формалари ва ҳажми аниқланмади. Франция ҳукумати аслида бу шартномаларга амал қилмоқчи эмас эди. Франция ташқи ишлар министри, гитлерчилар агенти Лаваль Франция ҳукуматининг бу шартномалардан ҳар қачон ҳам воз кечишга тайёр эканлигини дипломатик йўллар билан Гитлерга маълум қилган эди.

3. Иккинчи жаҳон уруши арафасида халқаро муносабатлар

1933-1937 йиллар алоҳида, узоқ давом этган депрессия - саноат турғунлиги йиллари бўлиб, 1937 йилнинг иккинчи ярмига келиб капиталистик мамлакатларнинг саноат маҳсулоти 1929 йилдагига етар-етмас яна иқтисодий кризис бошланиб кетди. 1938 йилда АҚШ саноат маҳсулоти 1937 йилдагидан 23% камайиб, 1929 йилда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотининг 81%ини, Франция саноат маҳсулоти 7,2% камайиб, 1929 йилги маҳсулотнинг 76%ини ташкил этди. Англияда эса саноат маҳсулоти 1929 йилдагига нисбатан бир оз юқори даражада бўлса-да, лекин у яна таназзулга юз тутди; 1937 йилда Англия саноат маҳсулоти индекси 1929 йилдагига нисбатан 123,6 бўлса, 1938 йилда 115,7 га тушиб қолди, яъни 1937 йилдагига нисбатан 6% камайди. Агрессив давлатлар - Германия, Япония ва Италияда экономика ҳарбий мақсадларда қайта қурилганлиги ва халқларни зўр бериб талаш натижасида ишлаб чиқаришнинг пасайиб кетишига йўл қўйилмаган бўлса-да, аммо кризис маълум даражада таъсир кўрсатмоқда эди.

Германия, Италия ва Япония кризиснинг ёйилиб кетишидан қўрқиб, зўр бериб урушга тайёрландилар. Капитализм тараққиётининг нотекислиги янада кучайиб кетди. 1938 йилда Германия саноат маҳсулоти Англия ва Франциянинг саноат маҳсулотидан ошиб кетди. 1938 йили Японияда саноат маҳсулоти 1929 йилдагига нисбатан 185%ни, Германияда эса 121%ни ташкил этди. Япония, Италия, айниқса Германия бозор ва хом ашё манбаларини, мустамлакаларни қайта тақсимлашни талаб қилдилар. Бу эса Европа, Осиё ва Латин Америкаси халқлари учун хавфли эди.

1930 йилларнинг иккинчи ярмида капиталистик дунёда Германия АҚШдан кейинги қудратли давлат эди. У саноатнинг баъзи тармоқлари бўйича (синтетик маҳсулотлар, металл ишлаш ускуналари, алюмин тармоқлари) капиталистик мамлакатлар орасида биринчи ўринни эгаллаган эди. Машиналар экспорт қилишда ҳам Германия АҚШни қувиб етмоқда эди.

Европа, айниқса Марказий ва Шарқий Европа бозорларида Германиянинг иқтисодий позицияси кучайди ва бу районда унинг ғарбий мамлакатлар билан конкуренцияси жуда кескинлашди. Англия, Франция ва АҚШнинг бу жиҳатдан позицияси заифлашди.

Германия Латин Америкасида ҳам кучли позицияни эгаллади. Германиянинг Латин Америкаси мамлакатлари билан савдоси 1938 йилда 171%га етди, 1933 йилда эса 11,5% эди, холос. Германия бу мамлакатларнинг умумий импортида иккинчи ўринни, Бразилия, Уругвай каби айрим мамлакатларнинг импортида биринчи ўринни эгаллади ҳамда АҚШ ва Англия позициясини заифлаштира борди.¹

Капиталистик мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий зиддиятлар тобора жиддийлашди, АҚШ, Англия ва Франция эса ўз позицияларини сақлаб қолиш ва янги позицияларни эгаллаш учун курашдилар.

Мустамлака мамлакатларида революцион-озодлик ҳаракатларининг ўсиши капиталистик системанинг сиёсий кризисини чуқурлаштирди. Капиталистик мамлакатлар ўртасида сиёсий зиддиятлар ҳам кучайди.

Шундай қилиб, янги иқтисодий кризис капитализмни янада заифлаштирди, унинг барча зиддиятларини кескинлаштирди. Капиталистик мамлакатлар учун бу давр - экономика соҳасида ҳам, сиёсат соҳасида ҳам жуда катта ларзалар даври бўлди. Урушдан кейинги сулҳ шартномалари системаси бутунлай барбод бўлди.

Капиталистик ва мустамлака мамлакатларда революцион ҳаракат ўсиб бормоқда эди. Империалистлар дунёни яна қайта тақсимлаш соҳасидаги зиддиятларини СССР, шунингдек Хитой, Шарқий Европа мамлакатлари ва бошқа ерлар ҳисобига бартараф қилишга ҳамда революцион ва демократик ҳаракатларни бўғишга зўр бериб уриндилар. Япония ва Германиянинг агрессив хуружлари кучайиб борди.

Япония ва Германия билан бирга фашистик Италия ҳам янги жаҳон

¹ Язьков Е.Ф. История стран Европы и Америки в новейшее время. 1918-1949 гг. - М., 2000. - С.365.

урушига, дунёни қайта тақсимлашга тайёрланмоқда эди. 1935 йил октябридаёқ Италия қўшинлари уруш эълон қилмай, Ҳабашистонга (Эфиопияга) ҳужум бошладилар. Италия-Ҳабашистон уруши тайёрланаётган жаҳон урушининг янги бир тугуни эди. Италиянинг агрессияси Англия ва Франция манфаатларига зарба берди ҳамда уларнинг Европадан Осиёга борадиган денгиз йўллари учун катта хавф туғдирди. Шунга қарамай, Англия ва Франция ҳукмрон доиралари бу гал ҳам агрессорга қаршилик кўрсатмадилар. Улар ҳабаш (эфиоп) халқи ҳиеобига фашистик Италия билан келишиб олмоқчи бўлдилар. Англия Италия билан биргаликда Эфиопияни тақсимлаб олиш тарафдори эди. Италиянинг бу агрессиясини фақат Совет ҳукуматигина қоралаб чиқди. Совет делегациясининг қаттиқ туриши натижасида Миллатлар иттифоқи Италияни агрессор деб ҳисоблади ва унга қарши нқтисодий санкция (жазо чоралари) қўллаш, Италияга хом ашёлар ва ҳарбий материаллар киритишни чеклаш тўғрисида қарор қабул қилди. Лекин Англия ва Франция айби билан бу санкция тўла амалга ошмади. Империалистлар реакцион ирқий нуқтаи назардан Эфиопияни «алоҳида» давлат деб, Миллатлар иттифоқининг устави бу «алоҳида типдаги» давлатга гўё тааллуқли эмас, деб даъво қилдилар. Совет делегацияси бундай беҳуда даъволарни фoш этди; Эфиопияни тенг ҳуқуқли давлат деб ҳисоблади ва агрессияга дарҳол барҳам беришни талаб қилди. Лекин Англия ва Франция делегациялари бу талабни қувватламадилар, ҳатто юқоридаги чекланган санкцияни ҳам бекор қилдилар. АҚШ ҳукумати 1935 йилда «бетарафлик» сиёсатини эълон қилиб, шу ниқоб остида агрессорларни рағбатлантирди. Италия бундан фойдаланиб, 1936 йил майида деярли бутун Ҳабашистонни босиб олди ва ўз мустамлакасига айлантирди.¹

1936 йил мартида Германия Версаль ва Локарно шартномаларини бузиб, Рейндаги демилитаризация қилинган зонага ўз қўшинини киритди.

¹ История национально-освободительной борьбы народов Африки в новейшее время. - М., Наука. 1978. – С.258-259.

Империалистик давлатлар бунга нисбатан юзаки норозилик билдириш билан чекланиб қолдилар.

1936 йил июлида генерал Франко бошчилигидаги испан фашистлари Германия ва Италия ёрдами билан Испания революцион-демократик кучларига, республикага қарши исён кўтардилар. Тез орада Германия билан Италия Испания республикасига қарши очикдан-очик ҳарбий интервенция бошлади. 1936-1939 йиллар мобайнида Испанияга Италия 150 минг, Германия 50 минг солдат ва офицер, ҳарбий мутахассислар, техника ва авиация юборди. Улар Англия ва Франциянинг Африка ва Осиёга борадиган денгиз йўлларини эгаллаб ола бошладилар. Урушнинг янги тугуни вужудга келди. Англия ва Франциянинг манфаатларига яна зарба берила бошлади.

Уруш алангаси ер юзига тобора кенгроқ ёйилиб бормоқда эди. Шунга қарамай, Англия ва Франция ҳукмрон доиралари фашистларнинг ҳужумига қаршилик кўрсатмай, аксинча, уларга ёрдам бердилар. Ллойд-Жорж Англия ҳукмрон синфларининг фикрини ифодалаб, «генерал Франкони буржуа тартибини, буржуа мулкчилиги ва диннинг ҳимоячиси деб биламиз» деди. Франция Социалистик партиясининг лидери, ўша вақтдаги Франция ҳукуматининг бошлиғи Леон Блюм 1936 йил август бошида Англиянинг Болдуин бошчилигидаги консерватив ҳукумати билан тил бириктириб, мамлакатларни Испаниядаги урушга «аралашмаслик»ка чақирди. Бир қанча мамлакатлар, ҳатто Германия ва Италия бу таклифга қўшилди. Улуғ давлатларнинг Испания ишларига ҳақиқатан аралашмаслиги Испания республикачилари учун фойдали эканлигини назарда тутиб СССР ҳам бу таклифни қувватлади. 1936 йил 9 сентябрда Лондонда Англия дипломати лорд Плимут бошчилигида 27 давлат вакилларида иборат «Аралашмаслик комитети» тузилди. Комитет иштирокчилари бетарафликни сақлаб, Испанияга қурол сотмаслик ва Испания учун юбориладиган яроғ-аслаҳаларни ўз мамлакатлари территориясидан ўтказмаслик мажбуриятини олдилар.

Лекин кўп ўтмай, амалда, бу «Аралашмаслик комитети»нинг сиёсати энг шармандали бир сиёсат эканлиги аниқланди. Англия ва Франция ҳукуматлари республикачи Испанияга қурол чиқаришни тақиқладилар ва унинг қурол-аслаҳа олиш учун берган заказларини бекор қилдилар. АҚШ ҳукумати эса 1935 йилги «бетарафлик» тўғрисидаги қонунга ва бу қонунга қўшимча тариқасида 1937 йилда қабул қилинган қарорга кўра Испанияга қурол сотмади. АҚШ ҳукмрон доиралари Америка граждaнларининг Испания республикасига ёрдам кўрсатишларига тўсқинлик қилди; Америка ҳарбий самолётларининг Португалия, Германия ва Италияга юборилишига эса йўл қўйди. «Аралашмаслик сиёсати»га мувофиқ, республикачилар Испанияси ҳамма томондан блокада қилинди. Германия ва Италия олган мажбуриятларини бузиб, испан фашистларига ёрдам кўрсатавердилар. «Аралашмаслик комитети» эса фашистик давлатларнинг Испания ишига аралаштишларига ва унга қарши интервенция қилишларига йўл қўйиб берди. Республикачилар Испанияси бошқа мамлакатлардан ёрдам олиш имкониятидан маҳрум бўлди.¹

Испания халқи Испания ва Германия-Италия фашизмига қарши қаҳрамонона кураш олиб борди. Жаҳондаги барча илғор ва прогрессив кишилар республикачилар Испаниясини ҳимоя қилдилар. Совет ҳукумати Германия ва Италиянинг ўз зиммасига олган мажбуриятни бузганликларига норозилик билдирди ва «Аралашмаслик комитети»нинг жиддий чоралар кўришини талаб қилди. СССР фашизмга қарши демократик мамлакатларнинг бирлашган фронтини тузиш учун курашди. Совет делегацияси бу ҳақда 1936 йил августида Миллатлар иттифоқига таклиф киритди ва айрим географик районларидаги давлатларнинг ўзаро ёрдам ҳақида регионал шартномалар тузишларини тавсия қилди. Лекин бирлашган фронт тузиш мумкин бўлмади.

Совет Иттифоқи республикачилар Испаниясининг барча ҳуқуқларини ҳимоя қилди. Фашист ва империалистик давлатлар сиёсатини фoш этди.

¹ Нуриддинов З.Р. Ғарб мамлакатларининг энг янги тарихи (1917-1939). - Т., 1963. – Б.491-492

Совет халқи испан халқига катта маънавий ва моддий ёрдам кўрсатди.

Халқаро жамоатчиликнинг талаби билан «Аралашмаслик комитети» 1937 йил февралида Испаниянинг қуруқлик ва денгиз чегараларида назорат ўрнатиш ҳамда Испанияга чет эллик волонтерларни («қўнгиллилар»ни) юбормаслик тўғрисида қарор қабул қилди. «Қўнгиллилар» ниқоби остида Испанияга қўшин юбораётган Италия ва Германия ҳукуматлари бу қарорни тан олмай, 1937 йил майида «Аралашмаслик комитети» составидан чиқдилар. Италия-Германия интервентлари Испания томон бораётган кемаларга қарши қароқчилик ҳужумларини уюштирдилар; иккита совет пароходи ҳам ғарқ қилинди; қароқчиликнинг авж олиши натижасида Англия ва Франциянинг кемачилиги ҳам зарар кўрди. 1937 йил сентябрида Нион (Швейцария)да бўлиб ўтган халқаро конференция умуман Ўрта денгизда қароқчиликка қарши бир қанча тадбирларни ишлаб чиқди, лекин СССРнинг талабига қарамай, Испания портларига боровчи маршрутларни ҳам қўриқлаш тўғрисида тадбир ишлаб чиқилмади. Миллатлар иттифоқи эса республикачилар Испаниясининг қайта-қайта талаб қилишига қарамай, фашистик интервенцияни тўхтатиш учун ҳеч қандай чора кўрмади.

АҚШ, Англия ва Франция республикачилар Испаниясига нисбатан хиёнаткорона сиёсатни давом эттирдилар; унга қурол-яроғ сотмадилар. «Бетараф» АҚШ Португалия ва бошқа давлатлар орқали Испания фашистларига қурол-аслаҳа етказиб турди. Мазкур давлатлар амалда 1937 йилдаёқ (расмий суратда 1939 йил февраль - апрель ойларда) Франко фашистик ҳукуматини танидилар. Бу хиёнаткорона сиёсат республикачилар Испаниясига катта зарар етказди. Ўрта денгизда фашист агрессорларининг мавқеи мустаҳкамланди. Ғарбий давлатларнинг ҳарбий стратегик аҳволи заифлашди.

Фашистик давлатлар дастлаб ўз агрессив мақсадларини якка-якка амалга оширишга киришган бўлсалар, кейинроқ улар бу агрессив ҳаракатларини кенгайтириш учун ҳарбий-сиёсий блокада уюшдилар. 1936 йил

октябрида Германия-Италия протоколи имзоланди. «Берлин-Рим ўқи» вужудга келди. Германия Италиянинг Эфиопияни босиб олганини тан олди ҳамда унинг Далмация, Албания ва Грецияни босиб олиш йўлидаги интилишларини қувватлади. Италия Германиянинг Австрияни қўшиб олиш мақсадларини маъқуллади. Италия ва Германия Испания масаласида биргаликда ҳаракат қилиш тўғрисида ҳам тил бириктирдилар.

Узоқ Шарқда эса Япония ифвогарлик билан Шарқий Хитой темир йўлига ва ундаги совет ходимларига кетма-кет ҳужумлар уюштирди. Совет ҳукумати Япония билан муносабатларнинг кескинлашувига сабаб бўлган баҳоналарни бартараф қилиш мақсадида КВЖДни Япония ва Маньчжоу-Гога сотди, бу ҳақда 1935 йил мартда шартнома тузилди. Лекин Япония 1935-1936 йилларда Мўғулистон Халқ Республикаси чегараларига бир неча марта ҳужум уюштириб, Узоқ Шарқда тинчликка таҳдид қила берди. СССР Мўғулистонни қўллаб-қувватлади ва 1936 йил мартда ўзаро ёрдам тўғрисида Совет-Мўғулистон шартномаси имзоланди. Бу шартнома Япония урушқоқ ҳарбийларини бирмунча тийиб қўйди. Аммо Япония СССРга ва Мўғулистон Халқ Республикасига қарши «катта уруш»га тайёрликни кучайтирди.¹

1936 йил ноябрида Германия билан Япония ўртасида «Коминтернга қарши аҳднома» тузилди, 1937 йил ноябрида Италия ҳам бу аҳдномага қўшилди. Уч фашист-агрессор давлатнинг - Германия, Япония ва Италиянинг Коминтернгагина эмас, балки шу ниқоб остида барча мамлакатларга қарши қаратилган, дунёни ўзаро қайта тақсимлашни кўзда тутган агрессив учлар блоки (агрессив «уч бурчак») - «Берлин - Рим - Токио ўқи» ташкил топди. 1939 йўл феввалида Венгрия ва Маньчжоу-Го, мартда Франко Испанияси «Коминтернга қарши аҳднома»га қўшилди.²

Шундай қилиб, «Коминтернга қарши аҳднома» агрессив давлатлар

¹ Розалиев Ю.Н. Новая и новейшая история стран Азии и Африки. - М., Наука, 1987. – С.150.

² Нуриддинов З.Р. Ғарб мамлакатларининг энг янги тарихи (1917-1939). - Т., 1963. – Б.494.

ҳарбий-сиёсий блокини расмийлаштирди. Бу блок аввало СССРга қарши, шунингдек, бу блокда бўлмаган Ғарб давлатларига қарши қаратилган блок эди. Агрессив блокнинг коммунизмга қарши кураш ниқоби остида ҳаракат қилиши Ғарб давлатларидаги реакцион доиралар томонидан фашист агрессорларнинг қўллаб-қувватланишини таъминлади.

Урушдан олдинги йилларнинг тарихи Ғарб давлатлари Гитлери Шарққа, Совет Иттифоқи томонига йўллаб, унга кетма-кет ён берганликларини яққол кўрсатади.

1937 йил ноябрида Сан-Франциско (АҚШ)да гитлерчилар Германияси ва АҚШ ҳукмрон доиралари вакиллариининг яширин конференцияси бўлиб ўтди, СССРга, Хитойга ва бошқа эркесвар мамлакатларга қарши фитна тайёрланди. Американинг собиқ президенти Гувер СССРга қарши кураш ўз ҳаётининг асосий мақсади эканини қайта-қайта таъкидлаб ўтган эди. У 1938 йил бошида Европа мамлакатларини кезди. Гитлер ҳузурида бўлиб, у билан СССРга қарши музокаралар олиб борди. Англия бош министр муовини лорд Галифакс эса Гитлер билан суҳбатида (1937 йил ноябрь) Англиянинг Германия билан битим тузишга тайёр эканлигини билдирди. У Англия ҳукумати номидан Германия, Италия, Англия ва Франциядан иборат СССРга қарши блок тузишни ҳам таклиф қилди. 1937 йилда Англия ҳукумати Германия вакиллари билан янги таъсир доиралари тўғрисида музокаралар олиб бориб, Германиянинг Версаль системасига бутунлай барҳам бериш, мустамлака масаласидаги талабларини қабул қилишга, Британия империясининг дахлсизлигини сақлаш эвазига Шарқий Европанинг Германия томонидан босиб олинishiга рози эканлигини билдирди.

1937 йилнинг кузида ҳам Парижда, ҳам Берлинда бир вақтнинг ўзида Франция ва Германия сиёсатчилари ўртасида махфий музокаралар бўлиб турди. Шундаи қилиб, Англия ва Франция ҳукмронлари шу вақтда Гитлер билан тил бириктириш йўлини ахтардилар.

Халқаро сиёсатда Совет ҳукумати фашистик давлатлар агрессиясининг Европа халқлари ва жаҳондаги бошқа халқлар учун хавфли эканлигини бир неча марта таъкидлаб, барча ҳукуматлар ва халқларни огоҳлантирди. Совет ҳукумати империалистик давлатларнинг «аралашмаслик» ва «бетарафлик» сиёсатини фош қилди, «аралашмаслик» сиёсати агрессияга йўл қўйиб бериш, урушга йўл очиб бериш, ниҳоят, жаҳон урушини келтириб чиқариш сиёсати эканлигини, фашист агрессиясини СССРга қарши йўналтириб, агрессорларни ва СССРни толиқтириш, сўнгга эса урушда заифланиб қолган мамлакатларга ўз шартларини мажбуран қабул қилдириш йўлидати уриниш эканлигини кўрсатди.

1937 йил июлида Япония милитаризми хитой халқига қарши очикдан-очик кенг миқёсда уруш бошлаб юборди. Бу уруш Япониянинг Ҳитойдаги агрессиясининг янги босқичи эди. Япония қўшинлари Шимолий, Марказий, сўнгга Жанубий Хитойга бостириб кирдилар. Бу агрессия Хитой халқ революциясига ва СССРга қарши қаратилган эди.

Уруш алангаси бутун дунёда янада кенгроқ ёйилди. Урушнинг жаҳон урушига айланиб кетиш хавфи туғилди.

Японлар Хитойнинг Пекин, Тяньцзинь, Шанхай, Нанкин, Ханькоу каби катта шаҳарларини, деярли ҳамма портларини ишғол қилдилар. Бироқ япон ҳарбийларининг Хитойда «яшин тезлигида уруш» қилиш плани барбод бўлди.¹ Коммунистик партия раҳбарлигида хитой халқи япон босқинчиларига қарши адолатли, миллий озодлик урушига отланди. Хитой Коммунистик партиясининг ташаббуси билан ва халқ оммасининг қўллаб-қувватлаши асосида 1937 йил сентябрида Компартия билан Гоминдан ўртасида битим тузилди: мамлакатдаги граждaнлар уруши тўхтатилиб, Японияга қарши бирлашган миллий фронт вужудга келтирилди.

Совет халқи хитой-халқининг озодлик урушига хайрихоҳлик билдирди ҳамда маънавий-сиёсий ва моддий томондан ёрдам қилди. 1937 йил

¹ Новейшая история Китая. 1928-1943 гг. - М., Наука, 1984. - С. 135.

августиди СССР билан Хитой ўртасида ўзаро ҳужум қилишмаслик тўғрисида шартнома, 1939 йил июнида савдо шартномаси тузилди. 1938-1939 йилларда СССР Хитойга 250 миллион доллар миқдорида заём берди. Хитой СССРдан қурол-яроғ, автомашиналар, ёқилғи, самолётлар олди. Совет кўнгилли учувчилари ва ҳарбий мутахассислари Хитойдаги жангларда қатнашдилар.¹

Совет дипломатияси Миллатлар иттифоқида ва халқаро конференцияларда Хитойнинг манфаатларини қаттиқ туриб қувватлади.

Япониянинг Хитойдаги босқинчилиги Англия ва АҚШ нинг империалистик манфаатларига путур етказди. Шунга қарамай, бу империалистик давлатлар Япония агрессиясига тўсқинлик қилмадилар. Англия ва АҚШ империалистлари, аввалгидек, хитой халқининг миллий озодлик ҳаракатларини бўғиш ва Япония агрессиясини СССРга қарши қаратиш мақсадида гоминданчиларни Япония билан яраштиришга ва ўзлари Япония империалистлари билан тил бириктириб олишга зўр бериб уриндилар. АҚШ Японияни уруш учун зарур бўлган стратегик материаллар: нефть, темир, пўлат билан таъминлаб турди. Гоминдан ҳукуматига эса қуроллар сотиб турди, ўзининг «бетарафлик тўғрисидаги қонуни»ни Япония-Хитой урушига татбиқ этмади.² Гоминданчилар эса Америка қуролларидан Япония босқинчиларига қарши курашда фойдаланмадилар. Бу қуролларни ва ўзларининг асосий кучларини қулай пайтда коммунистларга қарши қаратиш учун эҳтиётлик билан сақладилар.

Япония империалистлари бошқа империалистик давлатларнинг Хитойдаги позицияларига зарба бериш учун ҳам курашни давом эттирмоқда эдилар.

Европада ғарбий давлатларнинг Гитлер Германияси ва фашистик Италия билан Мюнхенда тузган битимидан (1938 йил сентябрь) руҳланган Япония реакцияси 1938 йил ноябридаёқ «Шарқий Осиёда янги тартиб» эълон

¹ Новая и новейшая история. - М.: Наука. 1993. – С. 198.

² Розалиев Ю.Н. Новая и новейшая история стран Азии и Африки. - М., Наука, 1987. – С.169.

қилди, бу «янги тартиб» Шарқий Осиёда фақат Япониянинг мустамлакачилик ҳукмронлигини ўрнатишдан иборат эди.

Англия, АҚШ ва Франция империалистлари Япониянинг бу хатти-ҳаракатидан норози бўлдилар. Улар «Хитой-Япония жанжали»ни бартараф қилиш мақсадида «Халқаро Узоқ Шарқ конференцияси»ни, «Тинч океан конференцияси»ни чақириш тўғрисида жар солдилар.¹

1937 йил сентябрида Хитой ҳукумати Миллатлар иттифоқиغا Япония устидан шикоят билан мурожаат қилди, лекин Ғарбий давлатларнинг айби билан бу масала муҳокама қилинмади ва 1922 йили Хитой тўғрисида Вашингтон шартномасини имзолаган давлатларнинг конференциясига ҳавола қилинди. Лекин конференция 1937 йил ноябридагина Брюсселда чақирилди. Япония конференцияда қатнашишдан бош тортди. Конференцияга СССР ҳам таклиф қилинди. Ғарбий давлатлар Совет Иттифоқи билан Японияни тўқнаштириб қўйишни кўзлаб, СССРни Японияга қарши уруш бошлашга даъват этдилар ва, шундай қилганда Япония ярашишга мажбур бўлади, дедилар. Совет делегацияси бу ҳийла ва иғвони фош этиб, Хитойга коллектив бўлиб ёрдам кўрсатиш тadbирларини ишлаб чиқишни таклиф қилди. Ғарбий давлатлар бу таклифни, ҳатто Миллатлар иттифоқи уставига мувофиқ, агрессор Японияга нисбатан иқтисодий санкция қўллаш тўғрисидаги совет таклифини ҳам рад этдилар.

Брюссель конференцияси Япония ва Хитой ҳукуматларига қарата мурожаатнома қабул қилиш билан чекланди, бунда уруш ҳаракатларини тўхтатиш ва низоларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш кераклиги кўрсатилди. Аммо Япония бу мурожаатномага қулоқ солмади. Ғарб империалистик давлатлари Япония империализмига тобора ён бердилар.

1939 йил 24 июлда Токиода Англия билан Япония ўртасида «Крэйги-Арита битими», яъни «Узоқ Шарқ Мюнхен битими» тузилди. Англия ва Япония бир-бирларининг Хитойдаги манфаатларига қарши ҳаракат

¹ Язьков Е.Ф. История стран Европы и Америки в новейшее время. 1918-1949 гг. - М., 2000. - С.398.

қилмаслик тўғрисида, Хитойдаги озодлик курашини бостариш учун Англиянинг Японияга ҳалақит бермаслиги тўғрисида келишиб олдилар. Англия ва Япония империалистларининг битимидан хавфсираган АҚШ Японияга норозилик билдирди ва ҳатто 1911 йилги Япония-Америка шартномасини бекор қилди. АҚШ Япония позициясининг ҳам, Англия позициясининг ҳам кучайиб кетишини истамас эди. Шунга қарамай, АҚШ монополистлари «аралашмаслик» ва «бетарафлик» ниқоби остида япон агрессорларини зарур ҳарбий материаллар билан таъминлаб туришни давом эттирдилар. АҚШ ва Англиянинг асосий муддаоси хитой халқини талаш ва унинг қонини тўкиш ҳисобига катта фойдаларга эга бўлиш, Хитой ҳисобига Япония билан тил бириктириш, Япония агрессиясини СССРга қарши қаратиш, Японияни ҳам заифлаштириб, «аралашмаслик» сиёсатидан бевосита аралашув сиёсатига ўтиш ва, ниҳоят, Узоқ Шарқда ўз позицияларини мустаҳкамлаб олишдан иборат бўлди.

Япониянинг Хитойга ҳужуми натижасида Совет-Япония муносабатлари янада кескинлашиб кетди. Япония ўзининг Хитойдаги ютуқларидан ва Англия-Америка реакциясининг рағбатлантиришидан эсанкираб қолди.

1938 йил ёздан бошлаб Япония ўз қўшинларини СССР чегараларига тўплай бошлади. Япон милитаристлари Маньчжуриядан туриб 1938 йил 29 июлда Владивосток яқинидаги Ҳасан кўли районида Совет Иттифоқи чегарасига қўққисдан ҳужум қилдилар. Улар Совет Узоқ Шарқи территориясига бостириб киришни мўлжаллаган эдилар. Совет Армияси япон босқинчиларини тор-мор келтириб, чегарадан улоқтириб ташлади. Ўша йили 11 августда бу районда уруш ҳаракатлари тўхтади. 1939 йил май - август ойларида, японлар Совет Иттифоқига бостириб кириш ва Сибирь темир йўлини ишғол қилиб, Совет Узоқ Шарқини СССРдан ажратиб қўйиш мақсадида Халхин-Гол дарёси районида Мўғулистон Халқ Республикасига ҳужум қилдилар. Совет ҳукумати билан Мўғулистон Халқ

Республикаси ўртасида 1936 йилда тузилган ўзаро ёрдам шартномасига амал қилиб, СССР Мўғулистонни қўллаб-қувватлади. Совет Армияси мўғул Армиясига ёрдам кўрсатиб, бу гал ҳам япон босқинчиларига қақшатқич зарба берди. Шу билан бирга, бу Ғарбдаги империалистик давлатларнинг Япония агрессиясини СССРга қарши қаратиш сиёсатига берилган қаттиқ зарба эди.

Япония билан Германия ўртасида ҳам (гарчи булар «Коминтернга қарши аҳднома»нинг иштирокчилари бўлсаларда) зиддиятлар мавжуд эди. Германия 1938 йил февралига қадар Маньчжоу-Гони танимаган эди.¹ Германия Хитойда бир қанча имтиёзларга эга бўлишни, биринчи жаҳон урушидан кейин ўзининг Японияга ўтиб кетган Тинч океандаги собиқ мустамлакалари масаласининг қайта кўриб чиқилишяни истарди. Германия яширин йўллар билан чан-кайшичиларга қурол-яроғ ва маслаҳатчилар юбориб турди. Япония Германиянинг талабларига рози бўлмади ва Германия билан тузилган аҳдномаларга ишониб, Халхин-Гол районида хужум бошлаганида Германиянинг ҳам Ғарбдан СССРга қарши хужум бошлашига умид боғлаган эди. Шу тариқа, Япония-Германия муносабатларида ихтилофлар бўлиб турди. Европада Гитлер Германиясининг, Узоқ Шарқда милитаристик Япониянинг агрессияси, АҚШ, Англия ва Франция империалистларининг бу агрессияларни рағбатлантириб СССРга қарши йўналтиришга зўр бериб ҳаракат қилишлари иккинчи жаҳон урушини тезлаштирди, икки томондан: Ғарбдан ва Узоқ Шарқдан СССР учун хавфни кучайтирди.

Фашист агрессорлар тобора кўпроқ рағбатлантирилмоқда эди. Гитлерчилар Германияси бир қатор тadbирлардан сўнг, 1938 йил 11 мартда зўрлик билан Австрияни босиб олди. Бу Версаль ва Сен-Жермен сулҳ шартномаларининг тўғридан-тўғри бузилиши эди. «Аралашмаслик» ва «бетарафлик» сиёсатлари ниқоби остида Англия, Франция ва АҚШ Австриянинг босиб олинишини маъқуллади ва таниди. Империалистик

¹ Розалиев Ю.Н. Новая и новейшая история стран Азии и Африки. - М., Наука, 1987. – С.203.

давлатларнинг ҳукмрон доиралари Австрия масаласининг Миллатлар иттифоқида муҳокама қилинишини истамадилар. Натижада гитлерчилар агрессияси Жануби-Шарқий Европанинг ичкарасига ёйилиб борди.

Гитлер Германияси Австрияни босиб олган ва Европада уруш хавфи кучайиб кетган бир вақтда Совет ҳукумати йирик капиталистик давлатларга фашистик агрессиянинг ёйилишига йўл қўймаслик, коллектив бўлиб тинчликни сақлаб қолиш мақсадида амалий чоралар кўришни ва бунинг учун халқаро конференция чақиришни таклиф этди. «Эртага кеч бўлиб қолиши мумкин, - дейилган эди Совет ҳукуматининг 1938 йил 17 март баёнотида,— бугун эса бунинг учун вақт бор, фақат барча давлатлар, айниқса улуғ давлатдар, тинчликни коллектив бўлиб сақлаб қолиш проблемаларида мустаҳкам, қатъий позицияни эгаллашлари шарт». Бироқ Англия-Франция-АҚШ ҳукмрон доиралари СССРнинг бу таклифини оқибатсиз қолдирдилар.

Германия Австрияга қўшин киритган чоқда Польша бу вазиятдан фойдалавиб, ўз қўшинларини Литва чегараларига тўплай бошлади. 1938 йил 17 мартда Польша ҳукумати Литвага ультиматум бериб, Вильнюсни Польшага топширишга талаб қилди ва акс ҳолда Каунасга ҳужум бошлаяжagini айтиб дўқ урди. Совет ҳукумати Польша ҳукуматига Польша-Литва жанжалида бетараф бўлиб қола олмаслигини билдирди. Совет ҳукуматининг бу баёноти натижасида Литвага қарши уруш хавфи бартараф бўлди.

Герман фашистлари Австрияни босиб олганларидан кейин бутун диққатни Чехословакияга, аввало унинг Судет областига қаратдилар. Германияда Чехословакияга қарши пропаганда авж олдирилди. Немис-фашист қўшинлари Чехословакия чегараларига тўплана бошлади. «Судет кризиси», яъни Германия-Чехословакия жанжали бошланиб ва кескинлашиб кетди. Чехословакияга нисбатан хавф кучайди. Англия-Франция-АҚШ ҳукмрон доиралари ва уларнинг дипломатияси гитлерчиларга ён бердилар ва улар» нинг агрессив талабларини қондиришга ёрдам қилдилар. 1938 йил 28-

29 апрелда Лондонда Англия ва Франция бош министрлари ва ташқи ишлар министрларининг кенгаши бўлиб ўтди. Бу кенгашда Европада «тинчлик учун» кураш ва Чехословакияга «ёрдам» масаласи муҳокама қилинди ҳамда Судет области масаласини «тинч» йўл билан ҳал қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Англия ва Франция ҳукмрон доиралари сиёсий фирибгарлик ва муттаҳамлик қилдилар. 1938 йил майида Чехословакия гитлерчилари (генлейнчилар) фитнасининг тугатилиши («Май кризиси») ва Чехословакия ҳукуматининг ўша вақтда тутган қатъий позицияси Англия ва Франция реакциясига маъқул бўлмади. Ғарбий Европа ва Америка империалистлари Чехословакияни эмас, балки Гитлер Германиясини ҳимоя қилдилар. Англия ҳукумати томонидан 1938 йил ёзида Чехословакияга юборилган Ренсимен ўтакетган юзсизлик ва мунофиқлик ролини ўйнади. У, Чехословакия ҳукуматидан Судет областини Германияга беришни, Совет-Чехословакия ўзаро ёрдам шартномасини бекор қилишни талаб этди.

Франция ҳукмрон доиралари 1938 йил феврилидаёқ, Чехословакия билан 1935 йилда тузилган шартнома ўз кучини йўқотди, дейишгача бориб етдилар ва, Франция Чехословакияга Англиясиз ёрдам бера олмайди, дедилар. Франция дипломатияси Чехословакия дипломатларини Судет масаласида Гитлер талабларига қулоқ солишга, «хатолар»ни тузатишга ундади.

Англия ва Франциянинг ифвогарлик сиёсати АҚШ империалистлари ва дипломатияси томонидан рағбатлантирилди. АҚШнинг Лондондаги, айниқса Париж ва Прагадаги элчилари ғоят актив ва қабих роль ўйнадилар. Прагага келган АҚШ элчиси Вильсон ҳам Чехословакия ҳукумати олдида Ренсименнинг талаблари сингари талабларни қўйди.¹ Гитлернинг Судет области ҳақидаги талаби табора қатъийлашди. Чехословакиядаги гитлерчилар янада активлашди, 1938 йил 13 сентябрда Чехословакияда фашистик исён кўтарилди. Исён бостирилгач, Гитлер ғазабланиб, чегарадаги

¹ Уткин А.И. Дипломатия Вудро Вильсона. - М., 1989. - С.66.

қўшинларни жанговар ҳолатга келтирди. Лекин Гитлер бу кучларни ишга солмасданоқ Ғарб давлатлари унга жуда эпчиллик билан ёрдам қилдилар. 1938 йил 15 сентябрда Англия бош министри Чемберлен Германияда Гитлер ҳузурида бўлиб, унинг Чехословакиядаги Судет области ва бошқа территориялар ҳақидаги талабини маъқуллади. 18 сентябрда Лондонда Англия ва Франция ҳукуматларининг бош министрлари ва ташқи ишлар министрларининг яна кенгаши бўлиб, улар Судет ва бошқа территориялар масаласида Гитлерга узил-кесил ёрдам беришга хиёнаткорона қарор қилдилар. Чехославакия ҳукуматига «тинчлик ва хавфсизликни сақлаб қолиш» учун Гитлер талабларини қондиришни ва СССР билан тузилган ўзаро ёрдам шартномасидан воз кечишни хоинона таклиф этдилар.¹

Чехословакия ҳукумати ва президент Бенеш икки юзламалик ва хиёнаткорлик позициясини тутди, аммо улар халқ оммасининг жиддий қаршилиги натижасида ғарбий империалистларнинг таклифини бирдан қабул қила олмадилар.

Совет ҳукумати 1938 йилда тинчлик ва хавфсизлик учун изчил курашни давом эттириб, Англия ва Франция ҳукуматларига Германия агрессияси юз берган тақдирда Чехословакияга коллектив ёрдам бериш тўғрисида уч давлатнинг декларациясини қабул қилишнн таклиф этди ҳамда бошқа катта ва кичик мамлакатларни Чехословакияга ёрдам беришга чақирди. СССР, Англия, Франция ва АҚШ биргаликда ҳаракат қилтанларида Гитлер бу коалицияга қарши чиқишга ботина олмас эди. Бошқа давлатларнинг ҳам бундай коалицияга қўшилиши мумкин эди.

Лекин империалистлар СССРнинг бу таклифларини ҳам рад қилдилар. Совет ҳукумати СССР, Франция ва Чехословакия ҳарбий вакилларининг кенгашини чақиришни ва Чехословакиянинг мудофааси учун зарур бўлган амалий тадбирларни муҳокама қилишни таклиф этди. Бироқ Франция ва Чехословакия ҳукмрон доиралари хиёнаткорона позицияда қолавердилар.

¹ Новая и новейшая история. - М.: Наука. 1993. – С.250-251.

Совет ҳукумати Чехословакия билан тузилган шартномага, амал қилиб, унга ёрдам кўрсатишга тайёр эканлигини таъкидлаб келди ва бу ҳақда Гитлер ҳукуматини ҳам огоҳлантирган эди. СССР Олий Совети Президиумининг раиси М.И.Калинин Совет ҳукуматининг (ҳатто Франция Чехословакияга ёрдам қилмаган тақдирда ҳам) Чехословакияга ёрдамга тайёр эканлигини уқтириб ўтган эди. СССР Чехословакияга ёрдам бериш учун айрим ҳарбий тайёргарлик ҳам кўрган эди. Совет Иттифоқининг тутган позицияси Чехословакия мустақилигининг ва Европада тинчликнинг муҳим гарови эди.

Бенеш Совет ҳукуматининг бу позициясига эътибор бермади ва совет таклифларини жавобсиз қолдирди. У Чехословакия халқига, унинг миллий мустақиллик манфаатларига ва тинчлик ишига катта хиёнат қилди. Бенеш 16 сентябрда Англиянинг «воситачиси» Ренсименга уруш бўлган тақдирда ҳам СССР билан ҳеч қандай махсус битим тузмаслигини, Франциядан ташқари ҳеч қандай чора кўрмаслигини сурбетларча билдирди. Лекин Бенеш халқ оммасидан кўрққанлиги сабабли Судет области тўғрисидаги талабни қабул қилишни бир оз кечиктирди. Англия билан Франция эса Чехословакия ҳукуматига зўравонлик қилиб, Гитлер талабларининг қондирилиши учун курашмоқда эди.

21 сентябрда Англия ва Франциянинг Прагадаги элчилари Бенеш ҳузурида бўлиб, агар Чехословакия Англия-Франция талабларини қабул қилмаса ва натижада Германия-Чехословакия уруши бошланиб қолса, Англия ва Франциянинг Чехословакияга ҳеч қандай ёрдам бермаслиги тўғрисида, агар Чехословакия СССРдан ёрдам олса ва натижада Германия Чехословакияга ва СССРга қарши уруш очса, Англия ва Франциянинг Германия томонида бўлиши тўғрисида огоҳлантирдилар.

Айни бир маҳалда Гитлернинг иғвоси билан Польша Чехословакиянинг Тешин областини, Венгрия Закарпат Украинасини ва бошқа районларни ўзларига беришни талаб қилдилар.

22 сентябрда Чемберлен яна Гитлер ҳузурига келиб, Германиянинг

Судет тўғрисидаги «хуқуқлари»ни таниди. Шунингдек, Чемберлен Гитлернинг Польша ва Венгриянинг территория талабларини қондириш тўғрисидаги таклифини ҳам қабул қилди. Чемберлен Чехословакиянинг тақдири ҳақида «ғамхўрлик» қилаётган бўлиб кўриниш учун Гитлердан Чехословакиянинг янги чегараларини «гарантиялаш»ни сурбетларча сўради. Англия ва Франция ҳукуматлари жамоатчи-ликни чалғитиш мақсадида 24-26 сентябрда қисман ҳарбий «сафарбарлик» чораларини кўрдилар. Бу сохта тадбирлар эди. Франция ҳукуматининг бошлиғи Даладье бу тадбирлардан Гитлернинг безовта бўлмаслигини унга билдирди.¹

АҚШ ҳукумати Гитлер, Муссолини, Чемберлен, Даладье ва Бенешга мурожаат қилиб, Чехословакия ғарбий областлари тўғрисидаги музокараларни давом эттиришга чақирди. АҚШ «тинчлантириш» ниқоби остида Англия ва Франция ҳукуматларининг позициясини қўллаб-қувватлай берди.

Англия, Франция ва АҚШ сиёсатидан рағбатланган Гитлер 26 сентябрда сўзлаган нутқида, агар Чехословакия ҳукумати Германиянинг талабларини тезда ва сўзсиз бажармаса Чехословакия яксон қилинади, деб дўқ қилди. 28 сентябрда эса Гитлер 10 кун ичида Судет областини бутун саноати, транспорти ва истеҳкомлари билан бирга Германияга беришни Чехословакиядан қатъий талаб этди. АҚШ президенти тезда яна Гитлерга ва Муссолинига махсус мурожаат қилиб, Чехословакия масаласида Гаагада кенгаш чақиришни таклиф этди. Чемберлен ҳам дарҳол Гитлерга мурожаат қилиб конференция ташкил қилишга киришди. Гитлер конференциянинг Мюнхенда ўтказилишини талаб қилди.

1938 йил 29-30 сентябрда Мюнхенда халқаро фашист бандитлари - Германия ва Италия диктаторлари Гитлер ва Муссолини Англия ва Франция бош министрлари Чемберлен ва Даладье билан учрашдилар. Бу халқаро муносабатлар тарихида ўтакетган хйёнаткорона ва шармандали кенгаш -

¹ Смирнов В.П. Новейшая история Франции. - М., 1979. - С. 230.

Мюнхен конференцияси эди. Унда Чехословакия вакиллариининг иштирокидан ташқари чехословак халқининг тақдири ҳал қилинди.¹

Мюнхенда гитлерчилар талаб қилган райрнларни Германияга топшириш, Польша ва Венгриянинг талабларини ҳам қондириш тўғрисида шармандали битимлар тузилди. Чемберлен ва Даладье Чехословакиянинг миллий манфаатларига ва СССРга қарши империалистик позицияларини ниқоблашга уриниб, Чехословакиянинг янги чегараларини «гарантиялаш» тўғрисида Гитлер билан декларация қабул қилдилар.

Шундай қилиб, Мюнхен битими - иккинчи жаҳон урушини тезлаштирган, ўтакетган қабих ва мудҳиш битим эди. АҚШ империализми Мюнхен битимининг илҳомчиси бўлди.

30 сентябрдаёқ Чехословакия ҳукумати ва президент Бенеш Мюнхен конференциясининг қарорларини қабул қилди ва Германия фашизми олдида хиёнаткорона таслим бўлди. Тез орада Мюнхен қарорлари амалга оширилиб, Чехословакия тақсимлана бошланди.

АҚШ империалистларининг қўллаб-қувватлаши билан Англия ва Франция империалистлари Чехословакияни қурбкок қилиш ҳисобига Германия фашизми билан тил бириктирдилар. Германия агрессияси учун Марказий ва Шарқий Европанинг стратегик дарвозаси очиб берилди. 30 сентябрдаёқ Мюнхенда Англия билан Германия ўртасида, кейинроқ (6 декабрда) Франция билан Германия ўртасида «абადий тинчлик» тўғрисида, яъни ўзаро ҳужум қилишмаслик ҳақида декларациялар қабул қилинди. Мюнхендаги хиёнат фашизм агрессиясини СССРга қарши йўналтиришга қаратилган разил битим эди. Немислар ўз устларига Совет Иттифоқиға қарши уруш очиш мажбуриятини олганликлари учун уларға хизмат ҳақи тариқасида Чехословакия районларини бердилар. Франция Чехословакияға ёрдам бериш ўрниға, унга хиёнат қилганлиги сабабли, СССР ва Франция ўртаоида 1935 йили тузилган ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома ўз-ўзидан

¹ Нуриддинов З.Р. Ғарб мамлакатларининг энг янги тарихи (1917-1939). - Т., 1963. – Б.502.

бекор бўлди.

1938 йил октябрида Гитлер Германияси Судет областини ва Чехословакиянинг бошқа чегара районларини босиб олди. 1939 йилининг мартида эса Германия қўшинлари бутун Чехословакияни ишғол қилди. Чехословакия парчалаб ташланди. Чехия ва Моравия Германиянинг «протекторати» деб, Словакия «мустақил» давлат деб эълон қилинди. Амалда бу «мустақил» давлат Гитлер Германиясининг мустамлакасига айланди. Закарпат Украинаси венгер хортистлари томонидан, кешин Польша томонидан забт этилди.¹

Шундай қилиб, Чехословакия республикаси Европанинг сиёсий картасидан ўчириб юборилди ва Гитлер Германиясининг мустамлакасига айлантилди. Бу босқинчилик ва мислсиз ёвузликни Англия ва Франция ҳукмрон доиралари мамнуният билан кутиб олдилар. Мюнхенда берилган «гарантиялар» чипакка чиқди. Англияда, Чехословакия «сунъий вужудга келтирилган мамлакат эди» деган овозалар тарқалди. 1939 йил 15 мартда (гитлерчилар Чехословакияга бостириб кирган куни) Дюссельдорфда Англия-Германия иқтисодий музокаралари тугалланиб, гитлерчиларнинг янги таъеир доираларини эгаллаш учун Европанинг Шарқига қараб йўналишлари кераклиш айтилди. Франция ҳукумати Германиянинг СССРга ҳужум қилишига умвд боғлаб, унинг навбатдаги агрессив мақсадларини аниқлашга уринди.

СССРгина Германия агрессиясини ва империалистик давлатлар сиёсатини фoш қилиб ташлади ва тинчликнинг жиддий хавф оstdа қолганлигини кўрсатиб, тинчлик учун курашни давом эттирди.

Италия фашистлари ва Узоқ Шарқда Япония империализми гитлерчиларнинг агрессив ҳаракатларидан рағбатландилар.

Ғарб давлатларининг ёрдами билан Германия Австрия ва Чехословакияни босиб олганидан кейин, Европадаги сиёсий ва стратегик

¹ Новая и новейшая история. - М.: Наука. 1993. – С.341.

аҳвол Гитлер ғоидасига ўзгариб кетди. 1939 йил мартада Испанияда Франция томонидан фашистик тартиб ўрнатилди. Ўша йилнинг мартада Мемель областини (Клайпедани) Германияга топшириш тўғрисида Литва-Германия битими имзоланди. Руминия эканомикаси фашистик Германияга бўйсундирилди, унинг территорияси СССРга қарши плацдармга айлантирилди. Руминия, сўнгра Венгрия гитлерчилар блокига кирди. 1939 йил апрелида фашистик Италия Албанияга ҳужум қилиб, уни босиб олди. Германия фашизми эса Польшага нисбатан территориал ва бошқа талабларни кўйди. 1939 йилда Гитлер Данцигнинг Германияга топширилишини, Польша коридори орқали Шарқий Пруссияга қадар тор изли темир йўл ва автострада қуришга рухсат берилишини, Юқори Силезиядаги айрим территорияларнинг берилишини қатъий талаб қилди. Германия ва Польша муносабатлари кескинлашди. Германия 1934 йилги шартномани бекор қилди. 1939 йил 22 майда Германия ва Италия ўртасида ҳарбий-сиёсий шартнома («Пўлат аҳд») имзоланди.

Германия ва Италиянинг янги агрессив ҳаракатлари натижасида халқаро муносабатларда жаддий кризис бошланди. Европа уруш ёқасига келиб қолди. 1939 йил 15 апрелда АҚШ президенти Рузвельт Гитлер ва Муосолинига мурожаат қилиб, уларни Европа ва Яқин Шарқ мамлакатларининг биронтасига ҳам ҳужум қилмаслик тўғрисида мажбурият олишга чақирди. Гитлер ва Муссолини бу талабни кескин суратда рад этдилар. Ғарбий Европа икки қарама-қарши ҳарбий-сиёсий блока: Германия-Италия блокига ва Англия-Франция блокига ажралди.¹

1939 йил баҳоридаги кескин вазиятда Англия ва Франция ҳужум бўлиб қолган тақдирда ўзаро ёрдамлашиш тўғрисида мажбурият олдилар.

1939 йил апрелида Англия билан Польша ўртасида Лондонда ўзаро ёрдам тўғрисида декларация имзоланди, Франция Польша билан илгари тузилган шартномага амал қилажагини билдирди. Англия ва Франция

¹ Новая и новейшая история. - М.: Наука. 1993. – С.269.

фашист босқинчилар таҳдид солаётган бир қанча давлатларнинг (Польша, Греция, Руминия, Туркия ва Бельгиянинг) давлат мустақиллигини сақлаб қолишга гарантия беришларини баён қилдилар. Бундай гарантиялардан кўзланган мақсад инглиз ва француз жамоатчилигини тинчителиш ҳамда Гитлерни Англия ва Франция манфаатлари билан кўпроқ ҳисоблашишга мажбур этиш эди. Англия ва Франция аслида Польшага ёрдам бермоқчи эмас эдилар. Улар Польшанинг босиб олиншини СССРга қарши қаратилган катта қадам деб ҳисоблардилар. Италия Албанияни босиб олганида Англия ва Франция ҳукуматлари чурқ этмай туравердилар. Улар кенг жамоатчиликнинг талаби билан ва ўзларининг қабих планларини халқ оммасидан яшириш СССРга қарши курашда фашистик Германия билан алақани мустаҳкамлаш мақсадида Гитлерга кучлироқ таъсир кўрсатиш учур ҳатто СССР билан музокаралар ҳам бошладилар.

Ҳақиқатда эса, инглиз ва француз ҳукуматлари икки юзламачилик қилдилар. Улар ҳали ҳам СССР ҳисобига Гитлер билан битишишга ҳаракат қилаётган, лекин фақат ўз тактикаларини ўзгартирган эдилар.

1939 йил мартада Совет Иттифоқи Европада фашизм ва уруш хавфининг ғоятда кучайиб кетганлиги туфайли, агрессияга қарши биргаликда ҳаракат қилиш масалаларини муҳокама қилиш учун манфаатдор давлатларнинг конференциясини чақириб, музокаралар бошлашни таклиф этди. СССР коллектив хавфсизлик системасини тузиш учун курашни давом эттирди.

Англия ва Франциянинг СССР билан музокаралари 1939 йил март ойидан августгача давом этди. Музокаралар дипломатик йўл билан, сўнгра ҳарбий вакиллар орқали олиб борилди. Музокараларда Совет ҳукумати: 1) тенг ҳуқуқлилиқ ра тенг мажбурият олиш асосида ўзаро ёрдам тўғрисида уч давлат аҳдномасини тузишни, 2) Англия ва Франция Польша, Руминия, Туркия, Греция ва Бельгияга гарантия берганидек, Болтиқ бўйи мамлакатларига (Литва, Латвия, Эстония ва Финляндияга) ҳам гарантия

беришни ва ниҳоят, 3) ўзаро ёрдамнинг ҳамда гарантия қилинган мамлакатларга ҳужум бўлган тақдирда кўрсатиладиган ёрдамнинг формаси ва ҳажми тўғрисида конкрет ҳарбий битим тузишни таклиф қилди. Совет таклифлари Европада урушнинг олдини олишнинг энг муҳим тадбирларини ўз ичига олган таклифлар эди.¹

Музокараларда Англия ва Франция томони АҚШга таяниб тенг муносабатдан ва тенг мажбуриятлар олишдан бош тортиб, қаллоблик билан иш кўрди, янгидан-янги шартнома лойиҳаларини таклиф қилиб турди Англия ва Франция Германия билан урушга тортилиб Қолса, СССРнинг ёрдам беришини талаб қилди. СССРга ҳужум бўлган тақдирда ўзининг ёрдам қилиш-қилмаслигини очик қолдирди. Англия ва Франция томони СССРни маълум мажбуриятлар билан (фашистик Германия Польша ва Руминияга ёки Греция ва Бельгияга ҳужум қилган тақдирда, бу мамлакатларга фақат СССРнинг ёрдам кўрсатиш мажбурияти билан) боғлаб, Германия билан тўқнаштириб қўйишга, ўзларини эса ҳар қандай мажбуриятлардан холи қилиб четда қолдиришга уринди. Англия ва Франция томони найранг ва фирйбгарлик билан, ҳатто ўз таклифларидан (бирор мамлакатга хавф туғилган чоқда «маслаҳатлашиш» таклифидан) ҳам бош торташ билан музокараларни чўздилар. Англия ва Франция ҳукуматлари халқ оммасини алдаш мақсадида ўз газеталари орқали, музокаралар «муваффақиятли» ўтмоқда, деб, ёлғон хабарларни тарқатдилар.

СССР билан музокаралар бораётган чоқда 1939 йил июнь - августидан Англия фашистлар Германияси билан яширин музокаралар (бош министр Чемберлен кўрсатмаси асосида ташқи ишлар министри Галифакс, савдо ишлари министри Хадсон ва Чемберленнинг маслаҳатчиси Гарольд Вильсон билан Гитлернинг иқтисодий ишлар маслаҳатчиси Вольтат ва Германиянинг Лондондаги элчиси Дирксен ўртасида музокаралар) олиб борди. Англия ва Франция ҳукуматлари ўз мустамлакаларини дахлсиз қолдириб, янги жаҳон

¹ Смирнов В.П. Новейшая история Франции. - М., 1979. С.256.

бозорлари очиш ва мавжуд бозорларни эксплуатация қилиш мақсадида, яъни бутун жаҳонни, шу жумладан Хитой ва СССРни таъсир доираларига бўлиш мақсадида Германия билан тил бириктириб олишга ҳамда у Англия ва Франция билан ўзаро ҳужум қилмаслик ҳақида битим тузишга рози бўлган тақдирда Польшани ҳам Германия фойдасига қурбон қилишга тайёр эканликларини билдирдилар. Улар Германия билан қелишиб олинса, Англия ва Франция СССР билан олиб борилаётган музокараларни дарҳол тўхтатишларини Гитлерга маълум қилдилар ва СССРни ҳеч қандай иттифоқчиси бўлмаган ёлғиз мамлакат қилиб кўрсативдга, уни яккалаб қўйишга, Германия агрессиясини тезроқ Польша орқали СССРга қарши йўналтиришга зўр бериб уриндилар, Америка монополистларининг агенти сенатор Ванденберг эса, 1939 йил июлида Варшава ва Берлинга борди, Гитлер билан музокаралар юритди.¹

Совет Иттифоқи Англия-Франциянинг найранглариغا нисбатан ҳамиша хушёр бўлиб, уларнинг муддаоларини фош этиб борди, тенг мажбуриятлар олиш асосида агрессияга қарши чинакам амалий тадбирлар - агрессияни коллектив бўлиб даф этиш чоралари тўғрисида келишиб, тегишли сиёсий шартнома ва ҳарбий конвенциялар тузиш учун астойдил курашди.

Совет ҳукумати агрессия рўй берган тақдирда Англия, Франция ва Польшага ёрдам кўрсатиш учун совет қўшинларининг Польша территорияси орқали ўтказилишига Польша ҳукуматининг розилик бериши кераклигини билдирди. СССР Болтиқ бўйи мамлакатларини ҳам гарантия қилишни талаб этди. Англия ва Франция бу таклифлардан, ўзларига мажбурият олишдан сурбетларча бош тортди. Уларга суянган Польша реакцион ҳукумати эса, СССР билан ҳамкорлик қилмаслигини, совет қўшинларининг Польша территориясига киришига рози эмаслигини билдирди. Литва, Латвия ва Эстония реакцион ҳукуматлари ҳам гарантиядан бош тортдилар.

СССРнинг талаби билан 1939 йил 12-21 августда Москвада бўлган

¹ Новая и новейшая история. - М.: Наука. 1993. – С.325-326.

ҳарбий музокараларда ҳам Англия ва Франция СССРнинг конкрет таклифларига эътибор бермадилар. Англия ташқи ишлар министри Галифакс Москвага келиш тўғрисидаги СССР таклифини қабул қилмади. Англия ва Франция ҳарбий делегациялари учинчи даражали ва шартномаларга, қўл қўйиш ваколатига эга бўлмаган кишилардан иборат эди. Музокараларда совет делегацияси агрессия юз берганда уни тезликда бартараф қилишнинг конкрет планини илгари сурди. Бунда бир қатор тадбирлар Германия Англия ва Францияга ҳужум қилган тавдирда Совет Иттифоқи Англия ва Франциянинг Германияга қарши қўядиган ҳарбий кучларининг 70%и миқдоридаги қуроли кучларини Германияга қарши қаратиши, Германия СССРга ҳужум қилган тақдирда эса дарҳол Англия ва Франция СССРнинг Германияга қарши қўядиган қуроли кучларининг 70%и миқдоридаги қуроли кучларини Германияга қарши юбориши таклиф этилди. Лекин бу таклиф Англия ва Францияга маъқул тушмади. Уруш бошланган тақдирда агрессорни коллектив бўлиб тийиб қўйиш учун СССР 136 дивизия, 5 минг тўп, 10 минг танк ва танкетка, 5 мингдан ортиқ самолёт ажратажагини совет вакиллари билдирганида Англия вакиллари фақат 5 та пиёда аскарлар дивизияси ва 1 та мотомеханизациялаштирилган дивизия ажратажакларини айтдилар. Англия ҳукумати ўз ҳарбий делегациясига Британия ҳукумати СССР олдида «ўз зиммасига бирорта муайян мажбурият олишли истамай-ди» деган махфий инструкция берган эди. Англия ва Франция СССР билан музокараларни қасддан чўзишга интилдилар. Англия Германия билан яширин музокараларни давом эттирди.¹

СССР – Англия - Франция музокаралари Англия ва Франция ҳукмрон доираларининг қабих антисовет ниятларини, уларнинг коллектив хавфсизлик системаси ғоясига қарши зканликларини янада яққол кўрсатди. Музокаралар Англия-Франция томонининг айби билан барбод бўлди. Англия билан Франция хавфсизлик системасининг тузилмай қолишига айбдордир.

¹ Нуриддинов З.Р. Ғарб мамлакатларининг энг янги тарихи (1917-1939). - Т., 1963. – Б.507-508.

Мюнхенчилар СССРни капиталистик дунё билан тўқнаштирмоқчи, аввало Германия ва Япония билан тўқнаштирмоқчи, ўзлари эса четда қолиб, пайт пойлаб куч тўпламоқчи, Германия-Япония ва СССР ҳолдан тойгач, улар олдига ўз талабларини қўймоқчи эдилар. Лекин шармандали Мюнхен сиёсати барбод бўлди. Гитлер Германияси Ғарб давлатларининг айрим ён беришларидан қаноатланмади. У дунёга ҳукмрон бўлишга интиломоқда эди. Ғарб давлатлари эса Германиянинг бу интилишларига рози эмас эдилар.

АҚШ, Англия ва Франция ҳукуматларининг ҳийла-найранглари яхши билган ҳамда СССРнинг куч-қудратини англаган Гитлер Германияси 1939 йил вазиятида СССРга ҳужум қилишни, «катта» урушни СССРга ҳужум қилишдан бошлаб юборишни ўзи учун хавфли деб ҳисоблади, милитарист япон қўшинларининг Халхин-Голда совет армияси зарбалари остида мағлубиятга учраганлиги Гитлер Германиясининг сиёсатига жиддий суратда таъсир кўрсатди. Гитлер Германияси дастлаб ўзининг империалист рақибларини енгишни, Европа мамлакатларини босиб олишни, ўша шароитда СССР билан ўзаро ҳужум қилишмаслик аҳдномасини тузишни афзалроқ кўрди.

1939 йил августидаги Москва музокаралари Англия-Франция томонининг айби билан боши берк кўчага кириб қолган ва империалистик давлатлар СССРни яккалантириб, фашисттик Германияни унга қарши қўйиш учун зўр бериб уринаётган бир вақтда, СССР сиёсий жиҳатдан батамом яккалаб қўйилган ва СССРга нисбатан икки томондан: Ғарбда - Германия ва Узоқ Шарқда Япония томонидан уруш хавфи кучайиб кетган бир пайтда Совет ҳукумати Гитлер ҳукуматининг СССР билан Германия ўртасида ўзаро ҳужум қилишмаслик аҳдномаси тузиш тўғрисидаги таклифини қабул қилмай иложи йўқ эди.

1939 йил 23 августда СССР билан Германия ўртасида ўзаро ҳужум қилишмаслик аҳдномаси тузилди. Совет ҳукумати фашист давлатлар билан бошқа империалистик давлатлар ўртасидаги мавжуд зиддиятлардан

фойдаланиб, АҚШ ҳимоясидаги Англия ва Франция ҳукмрон доираларининг қабих антисовет планларини - Мюнхен сиёсатини барбод қилди, фашистик давлатлар ҳамда АҚШ, Англия ва Франция империалистларининг Советларга қарши бирлашган фронт тузиш хавфига барҳам берди, фашистлар Германияси ва милитаристик Япониянинг бирликда тезда СССРга ва Ғарб давлатларига қарши уруш ҳаракатларини бошлаш планларига зарба берди.

Германия СССР билан ўзаро ҳужум қилишмаслик шартномаси тузгани учун Япония ўз иттифоқчиси Германиядан норози бўлиб қолди, у анча вақтгача (1941 йил декабригача) Ғарб давлатларига қарши уруш бошлолмади. Ғарб давлатлари ўз тарихининг энг оғир йилларида икки фронтда (Германияга ва Японияга қарши) уруш олиб боришдан кутулиб қолдилар.¹

СССР-Германия аҳдномаси СССР манфаатлари ва унинг хавфсизлиги учун катта аҳамиятга эга эди. Бу аҳднома СССРнинг тинч қурилиш вақтини узайтиришга имкон берди. Ҳақиқатда эса, Совет ҳукумати фашистлар Германиясининг ахир бир кун СССРга ҳужум қилишини яхши билар эди. Совет ҳукумати мамлакатнинг мудофаа қобилятини янада ошириш чораларини кўрди. Совет-Герман аҳдномасининг тузилиши хитой халқининг япон империалистларига қарши кураши учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлди, СССР озодлик учун курашаётган барча халқларга мадад бермоқда эди.

Шундай қилиб, СССРнинг куч-қуввати, тинчлик сиёсати, чет эл меҳнаткашларининг СССРни қўллаб-қувватлашлари, империалистик лагердаги зиддиятлар, Германиянинг жаҳонга ҳукмрон бўлишга зўр бериб интилиши - буларнинг ҳаммаси империалистик давлатларнинг СССРга қарши биргалашиб ҳужум қилишларига имкон бермади.

Ғарб давлатлари Мюнхен сиёсатининг барбод бўлиши Германия, Япония ва Италия блоки билан Англия-Америка Франция блоки ўртасидаги зиддиятларни кескинлаштириб юборди. Ўша вақтдаги асосий зиддият -

¹ Новая и новейшая история. - М.: Наука. 1993. – С.340.

капиталистик дунё билан СССР ўртасидаги зиддиятга қараганда империалистик давлатлар ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий зиддиятлар амалда кучлироқ зиддиятларга айланиб кетди. Бу зиддиятлар натижасида 1939 йил сентябрь бошларида империалистик давлатлар ўртасида иккинчи жаҳон уруши бошланди. Образли қилиб айтганда, Франция ва АҚШнинг ўша вақтдаги ҳукмрон доираларининг СССРга қарши ташламоқчи бўлиб занжирга бойлаб, боқиб қўйган итлари шу занжирни узиб кетди ва ўзини боқиб семиртирганларга бориб ёпишди.

Хулоса

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини эълон қилгач жамият ижтимоий сиёсий ҳаётининг барча жабҳаларида кенг ўзгаришлар даврини бошлаб берди. Бу жараён интеллектуал қилиниши лозим бўлган долзарб муаммоларни кўндаланг қилиб қўйди. Чунки собиқ иттифоқ тарихшунослиги томонидан илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилган мавзулар маънавий жиҳатдан яроқсиз ҳолда эканлиги иккинчидан эса тарихни ўрганишдаги кўпгина масалаларни тарихни “қора доғ”лари сифатида талқин қилиниши мустақилликнинг илк кунлариданок қилиниши лозим бўлган долзарб масалага айланди.

Ўзбекистон истиқлолга эришгандан сўнг жамият ижтимоий сиёсий ҳаётининг барча жабҳаларида кенг ўзгаришлар даври бошланди. Бу жараён интеллектуал соҳада ҳам ўз аксини топди.

Энг асосий ижтимоий гуманитар фан ҳисобланган тарих фани олдида ҳал этилиши лозим бўлган долзарб муаммоларни кўндаланг қилиб қўйди. Оқибатда совет тарихшунослиги нуқтаи назаридан ўрганилган мавзулар қайтадан илмий тадқиқот сифатида ўрганила бошланди.

Бундан ташқари тарихнинг “оқ доғлари” сифатида ўрганилмаган мавзуларни тадқиқ қилиш имконияти қўлга киритилди. “Дунё ҳаритасида янги мустақил давлатлар пайдо бўлди, улар ҳозирги тил билан айтганда социалистик ўтмишга эга бўлган ўз сиёсий мустақиллигини тинч йўл билан қўлга киритган давлатлардир. Бу давлатлар мустақил ривожланиш ва ижтимоий муносабатларни яхшилаш йўлига қадам қўйди. Улар дунёдаги бошқа мамлакатлар орасида ўз мавқеини мустаҳкамлашга интиломда”¹.

Биринчи жаҳон уруши капитализмни умумий кризисга дучор қилди. Капитализм умумий кризисининг энг муҳим хусусияти - дунёнинг икки

¹ Каримов. И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёти кафолатлари. - Тошкент. 1997. - Б.137.

қарама-қарши системага - капиталистик системага ва социалистик системага бўлинганлигидир. Тинчлик учун кураш Совет давлати ташқи сиёсатининг асоси бўлди. Революцион ҳаракатларни бўғиш ва Совет давлатига қарши кураш - капиталистик мамлакатлар сиёсатининг асосий масаласи бўлиб қолди. Биринчи жаҳон урушидан кейинги халқаро муносабатлар икки система ўртасидаги кураш билан, шунингдек империалистларнинг бозор хом ашё манбалари, капитал чиқариш жойлари учун ўзаро курашишлари билан характерланди. Мустамлакалар учун, дунёни яна қайтадан тақсимлаш учун кураш 1929 йилда бошланган иқтисодий кризисдан кейин янада кескинлашди.

Биринчи жаҳон урушидан кейинги халқаро муносабатлар системаси Париж ва Вашингтон конференцияларида қабул қилинган шартномаларда расмийлашди. Версаль-Вашингтон системаси империалистик, антидемократик, антисовет хусусиятларга эга бўлган заиф, беқарор система эди.

Урушдан кейинги муносабатларни тартибга солиб туриш учун ташкил этилган Миллатлар иттифоқи империалистларнинг типик халқаро ташкилоти бўлиб қолди. Бу ташкилот қуролсизланиш проблемасини ҳал қилмади, тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш учун тегишли чоралар кўрмади.

Капитализм нотекис тараққиётининг кескинлашиши империалистик зиддиятларни чуқурлаштириб юборди. Версаль-Вашингтон системаси янги шароитларга тобора зид ва мутлақо номувофиқ бўлиб қолди. Милитаристик Япония Вашингтон системасидан, фашистик Италия. Версаль системасидан очикдан-очик норози бўлиб, агрессив ҳаракатларга ўтдилар. Гитлер Германияси Версаль сулҳидан мутлақо норози эди. Япония Осиёда ва Тинч океанда ҳукмрон бўлиб олишга, Гитлер Германияси жаҳонга ҳукмронлик қилишга эришишга зўр бериб уринди. Хусусан Германия дунёни қайтадан тақсимлашга тезда отланди. Бу давлатлар ўзаро тил бириктирдилар, фашист-агрессор давлатларнинг «Коминтернга қарши аҳднома» никоби остида

ҳарбий-сиёсий иттифоқи тузилди.

Бошқа империалистик давлатлар, аввало АҚШ, Англия ва Франция ўз позицияларини сақлаб қолиш ва янги позицияларни эгаллаш учун курашдилар. СССР эса тинчликнинг асосий фактори бўлди

Империалистик давлатлар ўртасидаги зиддиятлар кескинлашган пайтларда Ғарб империалистик давлатлари бу зиддиятларни аввало СССР ҳисобига, шунингдек Хитой, Шарқий Европа мамлакатлари ва бошқа мамлакатлар ҳисобига бартараф қилишга уриндилар.

Совет республикасига қарши қилинган ҳарбий интервенция зарбага учрагандан сўнг АҚШ бошчилигидаги империалистлар бир неча марта СССРга қарши уруш очишга, уни йўқ қилишга уриниб кўрдилар.

Америка-Англия империалистлари Япония, Италия, айниқса Германияга кўплаб капитал чиқариб, бу мамлакатларнинг милитаристик кучларини кўллаб-қувватладилар ва уларни СССРга қарши қўйиш мақсадида куроллантирдилар. Улар ўз муддаоларини машъум «аралашмаслик», «бетарафлик», «тинчлантириш» каби сиёсий фирибгарлик, қаллоблик ва агрессорлар билан тўғридан-тўғри тил бириктириш сиёсатлари орқали амалга оширмакчи бўлдилар. Бундай жинойткорона сиёсатнинг энг характерли босқичи Мюнхен битими (1938 йил) бўлди. Бу - СССРга қарши қаратилган шармандали битим эди.¹

Империалистлар фашистик кучлардан Европадаги революцион-демократик ҳаракатларни, мустамлакалардаги миллий озодлик ҳаракатларини бўғиш учун ҳам фойдаланмокчи бўлдилар. АҚШ, Англия ва Франция СССРни яккалаб қўйишга, Гитлер Германиясини тезда СССРга қарши йўналтиришга зўр бериб уриндилар. Улар СССРнинг урушнинг олдини олиш, коллектив хавфсизлик системасини вужудга келтириш сингари таклифларини қабул қилмадилар. Лекин СССРнинг доно ташқи сиёсати туфайли бу империалистик давлатларнинг Мюнхен сиёсати барбод бўлди.

¹ Новая и новейшая история. - М.: Наука. 1993. – С.357-358.

Иккинчи жаҳон уруши арафасидаги йиллар империалистик зиддиятларнинг янада кескинлашиб кетган даври бўлди. Капиталистик мамлакатларда 1937 йилнинг иккинчи ярмидан бошланган янги иқтисодий кризис уруш йўли билан дунёни қайтадан бўлиб олиш мақсадида империалистлар ўртасида давом этаётган курашнинг янада кескинлашувига сабаб бўлди. Халқаро сиёсий кризис юз берди. Урушдан кейинги сулҳ шартномалари системаси бутунлай барбод бўлди. 1939 йилда иккинчи жаҳон уруши бошланиб кетди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати
Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёти йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов. И. А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёти кафолатлари. - Тошкент. 1997.
4. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., “Шарқ”, 1998.
5. Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. - Т.: Ўзбекистон. 2011.
6. История новейшего времени стран Европы и Америки (1918-1945). Под ред. Проф. Е.Ф.Язькова, М., 1969.
7. История стран Азии и Африки в новейшее время. М., Наука. 1976.
8. Новейшая история стран зарубежного Востока. М., Восточная литература. 1957.
9. Новейшая история стран зарубежной Азии и Африки. Л., Наука, 1983.
10. Нуриддинов З.Р. Ғарб мамлакатларининг энг янги тарихи (1917-1939). Т., 1963.
11. Язьков Е.Ф. История стран Европы и Америки в новейшее время. 1918-1949 гг. М., 2000.

Қўшимча адабиётлар:

12. Бекмуҳамедов Х.Ю. Тарих терминлари изоҳли луғати. - Т.: Ўқитувчи. 1978.
13. Всемирная история в 12-ти томах. М.. Политиздат. 1960.
14. История дипломатии в 5-ти томах. М., Наука, 1959-1060.
15. История Ирландии. Отв. Ред. Л.И.Гольман. М., Наука, 1980..
16. История Италии в 3-х томах. М., Наука, 1970-1971.
17. История национально-освободительной борьбы народов Африки в

новейшее время. М., Наука. 1978.

18. История США в 4-х томах. М., Наука, 1980-1987.
19. История Франции. Под рук. А.З.Манфреда в 3-х томах. М., Наука, 1972-1973.
20. Мальков В.Л. Рузвельт Ф. Проблемы внутренней политики и дипломатии. М., 1988.
21. Международные отношения на Дальнем Востоке (1870—1949). Изд. 2, испр. и доп. Под ред. проф. Е. Жукова. - М.: 1956.
22. Мухин А.И. Австрия. М., 1979.
23. Новая и новейшая история. - М.: Наука. 1993.
24. Новейшая история Китая. 1917-1970 гг. М., Наука, 1972.
25. Новейшая история Китая. 1928-1943 гг. М., Наука, 1984.
26. История Китая с древнейших времен до наших дней. М., Наука, 1974.
27. Розалиев Ю.Н. Новая и новейшая история стран Азии и Африки. М., Наука, 1987.
28. Смирнов В.П. Новейшая история Франции. М., 1979.
29. Трухановский В.Г. Уистон Черчилль. М., 1977.
30. Уткин А.И. Дипломатия Вудро Вильсона. М., 1989.
31. Яковлев Н.Н. Ф.Д.Рузвельт Человек и Политик. М. 2005.

Фойдаланилган интернет сайтларининг номлари:

[http: // English-www.hss.cmu.edu/history/.](http://English-www.hss.cmu.edu/history/)

[http: // www.ukans.edu/history/VL/](http://www.ukans.edu/history/VL/)

[www. history.ru](http://www.history.ru)

[http://www.eu.spb.ru/history/index.htm.](http://www.eu.spb.ru/history/index.htm)

[http://history.hanover.edu/texts.htm.](http://history.hanover.edu/texts.htm)